


Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALO ZIVOLIARI GAZETASI * 

1931-yildan chiqqan boshlagan

2003-yil 6-sentabr, shanba

№ 72 (7577)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 сентябр куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов, Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, Қозоғистон ташқи ишлар вазири Қосимжўмарт Токаев, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Асқар Айтматов ва Тожикистон ташқи ишлар вазири Талбақ Назаровни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу мажлис кун тартибига кўйилган масалалар ШХТнинг шаклланиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилгани билан муҳимлигини таъкидлади. Мазкур анжуман ташкилот олдида кўйилган вазифалар изчил бажарилиб бораётганидан далолат беришини қайд этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жадал ривожланаётгани аъзо давлатларда ҳамфикрлик ва яқдиллик мавжудлигидан дарак беради. Нафақат хавфсизлик муаммоси, балки ШХТ қамаган улкан минтақада савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликни кўп томонлама ривожлантириш масалаларига ечим топишни ўз олдида мақсад қилиб кўйган ушбу ташкилот фаолияти барча аъзо мамлакатлар манфаатига мосдир. Табиий равишда унинг халқаро сиёсат майдонидаги нуфузи ҳам ортиб бормоқда.

ШХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши Тошкентда илк бор мажлис ўтказди. Вазирлар давлатлар раҳбарларининг май ойида бўлиб ўтган Москва саммитида эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ амалий масалаларни муҳокама этди, ШХТнинг шаклланишини охирига етказиш билан боғлиқ ташкилий ишларни сарҳисоб қилди. Шу нуктаи назардан қараганда, кенгашнинг Тошкент мажлиси муваффақиятли кечди, деб хулоса қилиш мумкин.

Оқсаройдаги учрашувда ШХТни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)



Она табиатта муҳаббат, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига эътибор туйғуларини шакллантириш болалиқдан бошланади. Болалар онгига бундай туйғуларни жойлашда эса биология фанининг ўзига хос ўрни бор. Андижон вилояти Олтинкўл тумани 10-умумтаълим мактабининг олий тоифали биология ўқитувчиси Қўчқор Юлчиев ҳам ўзининг педагогик маҳорати, кўп йиллик тажрибаси билан ўқувчилар қалбидан жой олган. 46 йилдан буён мураббийлик қилаётган устоз ҳар бир маззунни кўргазмали қуроллар орқали тушунтириб, жонли тарзда кўрсатишга ҳаракат қилади. Жонкуяр устознинг

меҳнатлари қадрланиб, “Халқ таълими аълочиси”, “Халқ таълими фидойиси” каби унвонларга муносиб топилган. 2002 йилда «Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси» унвонига сазовор бўлган Қўчқор Юлчиевнинг 50 нафардан ортиқ шогирдлари олий таълим даргоҳларида устозлик қилмоқда. Шогирдлари ва мактаб жамоаси меҳрибон устозни ибрат манбаи ҳисобласалар, меҳнаткаш мураббий ҳам ўз тажрибасини улашишдан толиқмайди.

Суратда: фидойи ўқитувчи Қ.Юлчиев ўқувчиларга илк мавзу ҳақида тушунча бермоқда.

Бурхон РИЗО олган сурат.

Поп тумани прокурори Муҳаммадхон Жўраев вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган йиғилишдан қайтар экан, ўзига берилган топшириқни бажариш режаларини туза бошлади. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 360-сонли қарори ижросининг вилоятдаги аҳволи муҳокама қилинган ва ҳар бир туман прокурорига ўз худудидаги энг чекка қишлоқ мактабини бориб кўриш, у ердаги вазиятни ўрганиб, лозим бўлган шароитлар-

ланган вагоннинг ичида ўтириб ўқишнинг ўзи бўладими? Қишнинг қировли кунларини-ку, қўя туринг.

Хуллас, Муҳаммадхон ака шу кунгича ишга киришди. Дастлаб туман ҳокими Р.Исматуллаев ва ХТБ мудираси М.Аҳмедовлар билан маслаҳатлашгач, бу ерда янги замонавий мактаб қурилиши бошлаб юборилди.

“Хайрли ишга қуш қанотини қоқибди” деганларидек, тез орада хомийлар ҳам топилди. Мактаб жойлашган А.Худойбергенов номидаги ширкат хўжалиги 10 млн., “Ўзбекистон ўрамли томёпқич ашёлари”

Shu songa xabar

улар турли фан кабинетлари, кутубхона ва 1-та компьютер хонасидан иборат. Мазкур хоналар 21 млн. сўмлик ўқув қуроллари, парта, стол, стул, 11 та “Pentium—IV” компьютерлари ҳамда бошқа анжомлар билан жиҳозланди. Кутубхона янги-янги китоблар, дарсликлар, вақтли матбуот нашрлари билан тўлдирилди. Янги ўқув йилида 170 нафар ўқувчи мактабга қабул қилинди. Уларга 25 нафар устоз-мураббийлар

Янги ўқув йилига — Янги мактаб

у туман прокурори ташаббуси билан қурилди

ни яратиш ва ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга бошчилик қилиш, бир сўз билан айтганда, уни оталиққа олиш вазифаси юклатилган эди. Попнинг энг чекка қисмида жойлашган—Пахтабод қишлоқ фуқаролар йиғинининг Янги қишлоқ маҳалласидаги 61-ўрта мактаб ана шундай ҳолатда эди. Ҳовлига кириб келган прокурор аввал бу ернинг мактаб эканлигига ишонмади. Чунки, битта вагон синф, атиги беш-олти хонадан иборат бино кўпдан буён таъмирланмаганлиги натижасида ўта аянчли аҳволга тушиб қолган эди. Тўғриси, унинг бу ерда ўқийдиган болажонларга раҳми келди. Ахир, ҳамма томони тунука билан қоп-

ОТХЖ 6,5 млн., вилоят ХТБ 3 млн., туман автомобиль йўллари бошқармаси 4,5 млн., Поп 12-автокорхона ОТХЖ 1,5 млн., туман машина-трактор парки 3,5 млн., 4 ва 131-хўжалиқлараро механизациялашган кўчма жамланмалар 500 минг сўмдан, “Попнотўқимачи” ҳиссадорлик жамияти 2,5 млн., Поп “Сувоқава” бирлашмаси 200 минг — жами 32 млн. сўмдан ортиқ саховат кўрсатилди. Натижада беш ой ичида 220 ўринли, барча қулайликларга эга бўлган янги таълим маскани қад ростлади ва мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида ишга туширилди.

Янги бинонинг 11 та синфхонаси мавжуд бўлиб,

сабоқ беришади.

— Мактабимиз аввал 100 ўринли бўлиб, ўқиш икки сменада ташкил этилган эди. Туман прокуратураси бизни ўз оталиғига олган, бу ва бошқа муаммоларимиз ҳал бўлди. Мана, янги ўқув йилини янги мактабда янгича кайфиятда бошладик, — дея ўз миннатдорчилигини изҳор этади мактаб директори Қахрамон Норматов.

Муассаса раҳбарининг таъкидлашича, эндиги ишлар туман прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**МАЛАКАЛИ
МУТАХАССИСЛАР
—
ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ**

3-бет

**БИРИНЧИ СИНФ
БОЛАСИ
унга қандай
муносабатдасиз?**

7-бет

**ИҚТИДОРЛИЛАРГА
ИМКОНИЯТ**

11-бет

**«УРАН»
КРОССВОРДИ**

16-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARIFOTOSURATLARDА
VATAN AKSI

Belgiyaning Antwerpen shahridagi Yevropa Ittifoqi komissiyasining axborot markazida mamlakatimiz fotoustalarining asarlaridan iborat "O'zbek mahallasi: odamlar, an'analar va urf-odatlar" mavzusida ko'rgazma ochildi. Mazkur ko'rgazmadan yurtimizning mohir fotoustalari asarlari o'rin olgan.

TAQDIMOT

Andijon shahridagi 31-maktabda AQSh Xalqaro taraqqiyot agentligi (USAID) homiyligida Xalqaro tadqiqotlar va almashuvlar bo'yicha kengash (IREX) tomonidan amalga oshirilayotgan "O'zbekiston maktablari uchun kompyuterlar" loyihasining taqdimoti bo'lib o'tdi. Ushbu loyihada viloyatning 8 ta maktabini yangi avlod kompyuterlari bilan jihozlash rejalashtirilgan.

INSTITUT BILAN
TANISHUV

Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 22-maydagi «O'zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo'mitasi organlari uchun kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish to'g'risida»gi qaroriga muvofiq tashkil etilgan Oliy harbiy bojxona instituti o'z sohasida Markaziy Osiyodagi yagona ilm dargohi sanaladi. Institut AQSh, Yaponiya, Buyuk Britaniya, Germaniya, Shveytsariya kabi davlatlarda ishlab chiqarilgan eng zamonaviy uskuna va anjomlar bilan jihozlangan.

Mamlakatimizda ish yuritayotgan elchixonalar va xalqaro tashkilotlar vakillari kuni kecha Oliy harbiy bojxona instituti faoliyati bilan tanishdilar.

USAID LOYIHASI
BO'YICHA

AQSh xalqaro taraqqiyot agentligi—USAIDning «O'zbekiston maktablari uchun kompyuterlar» loyihasi bo'yicha Surxondaryo viloyatidagi sakkizta maktabga ham yangi kompyuterlar o'rnatilib, o'qituvchi va o'quvchilarning zamonaviy dasturlar asosidagi ta'lim jarayonini o'zlashtirishlarini osonlashtirgan edi.

Yaqinda Termiz shahridagi yana ikkita maktabga zamonaviy kompyuterlar o'rnatildi.

Соғлом авлод — юрт келажаги. Болажонларнинг соғлом бўлиб улфайишлари учун эса талаб билан бирга ша-роитнинг ҳам аҳамияти катта. Шу мақсадда пой-топширилди. Мирзо Улуғбек тумани ҳоқими муовини С.Аҳмедов ўқувчиларни қўшбайрам билан қутлагач, "Гулистон" маҳалласи оқсоқоли С.Оқмирзаев ҳам

ЯНГИ ИМКОНИЯТ

тахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Усмон Носир номидаги 241-мактабда мустақиллик байрами ва билимлар куни нишонланаётган маҳалда янги спорт майдони фойдаланишга

ўқувчиларга яратилган бундай имкониятдан улар оқилона фойдаланишлари лозимлигини таъкидлади. Сўнгра ўқувчилар спорт турлари бўйича чиқиш қилдилар.

Юлдуз РАҲМОНБЕРДИЕВА

НОГИРОН БОЛАЛАРНИ ДАВОЛАШДА
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Яқинда Республика ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази ҳамда Ўқув педагогик коррекцион-реабилитацион маркази ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Жисмоний ёхуд руҳий ривожланишида нуқсонли болаларнинг ташхиси, интеграция ва реабилитацияси" мавзусида республика семинар-тренинг машғулотларини ўтказди. Анжуманда асосан болалар орасида ногиронликнинг олдини олиш, уларни баргараф этиш, ташхис қўйиш, жамиятдаги соғлом болалар билан интеграциялашуви ҳамда даволаш-профилактика ишларининг бугунги аҳволи хусусида атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди, мутахассислар керакли маълумотлар билан таъминландилар. Республика мида шаҳар ва туман минтақавий ташхис-реабилитация марказларида фаолият курсатаётган 50 га яқин малакали

дефектолог ҳамда шифокор мутахассислар уч кун давомида семинарда фаол иштирок этдилар.

Семинарнинг расмий очилиш маросимида таъкидланганидек, айни пайтда республикамизда 12 та ташхис-реабилитация маркази фаолият курсатиб, уларда малакали тиббиёт ходимлари но-

Seminar-trening

гирон болалар билан реабилитация, яъни бемор организмни қайта тиклаш ишларини олиб бормоқдалар. Ушбу болаларнинг таълим-тарбияси доимо давлатимиз эътиборида. Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Б.Қучқоровнинг айтишича, бугунги кунда мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактабларида ана шундай 16 ёшгача булган 129 минг нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Уларнинг ўқиш жараёни самарали ташкил этиш, махсус дарс-

лик ва адабиётлар билан таъминлаш борасида қатор ташкилотлар томонидан муайян ишлар бажарилмоқда.

Семинар-тренинг машғулотлари давомида иштирокчилар олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессорлари томонидан тайёрланган маърузаларни тингладилар ва ногирон болалар билан ишлашнинг турли замонавий, интерфаол услублари билан танишдилар. Шунингдек, қатнашчилар ногирон болаларга ташхис қўйиш, уларни интеграция ва реабилитация қилиш борасидаги назарий ва методик билимларини бойитдилар.

Анжуман ногирон болалар билан ишлашда дастлабки коррекцион-реабилитацион ёрдам мажмуавий тизимини яратиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири булди.

Муҳаммадjon ИСРОИЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

СПОРТ, ТАЪЛИМ,
ҲУНАР

иккитадан волейбол ва баскетбол майдончалари, футбол ва қўл тўпи майдони, кураш ва гимнастика зали барпо этилди.

Чўмилиш ҳавзасининг қурилиши ҳам талабаларни қувонтириши табиий. Янги ўқув йилидан бошлаб талабалар 25 метр узунликдаги бассейнда спортнинг сузиш тури билан бемалол шуғуллана бошлашади.

xxx

Институтда тил маркази ҳам ташкил этилди.

— Тил марказининг ташкил этилишидан асосий мақсад, институт та-

САЛОМАТЛИК ҚўЛЛАНМАСИ

Ота-боболаримиз баркамол авлодни жисмонан бақувват, руҳан тетик, фикрлаш қобилияти теран, иймон-этикоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ўғил-қизларни орзу қилганлар. Ана шундай ёш авлодни тарбиялаш ҳамда уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳозирги кун талабидир.

Шу мақсадда умумтаълим мактабларининг ўқув режасига саломатлик дарслари киритилган. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила" номли ўқитувчилар учун методик қўлланма тайёрланди.

Яқинда республика Таълим марказида "Соғлом турмуш тарзи асос-

лари ва оила" — ўқитувчилар учун методик қўлланмани амалиётга татбиқ этиш мақсадида барча вилоят ва Тошкент шаҳри мактабларининг ўқитувчилари иштирокида семинар-тренинг машғулоти бўлиб ўтди. Бу машғулотлар янги интерфаол услубда ўтказилди.

Шундай янги услубдаги семинар-тренинглар Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятларидаги танлаб олинган тажриба-синов мактабларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Малоҳат ҲАСАНБОЕВА,
республика Таълим
маркази
"Соғломлаштириш"
бўлимининг бош методисти

воситалар билан жиҳозланган. Машғулотларни юқори малакали, тажрибали ўқитувчилар олиб борадилар.

Шу бинода қозоқ бўлими ҳам очилиб, бошланғич таълим услуби ва математика-информатика йўналишларида 200 дан кўпроқ йигит-қизга таълим берилаяпти.

xxx

Тил маркази биносида заргўзлик мактаби ҳам иш бошлади. Бу ерда талаба-қизлар асосан миллий хунарамандчиликнинг заргўзлик сирларидан баҳраманд бўладилар. Ҳозирда 100 нафар талаба заргўзлик сирларини ўрганишмоқда. Тайёрланган махсус лотларни буюртмачиларга сотиш, қўшимча сармоя топиш имкониятлари ахтарилмоқда.

А.СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Истиклол йилларида босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, мамлакатимизда барча жабҳалар каби таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, ўқитиш жараёнини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев билан ЎЗА мухбирининг суҳбати ушбу соҳада юз берган муҳим ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида.

— Тараққийимиз таянчи бўла оладиган юксак савияли мутахассисларни тарбиялаб, вояга етказиш мақсади халқимиз, жамиятимиз зиммасига

бўйича капитал таъмирланиши режалаштирилган таълим муассасаларида иш жадал давом этмоқда.

— Маълумки, мактабгача

зарур шарт-шароит яратиш ва шунга яраша таълим сифатини юксалтириш, компьютер синфларини кўпайтиришга интилоқда.

Шуни айтиш жоизки, АҚШ халқаро тараққий агентлиги (ЮСА-ИД) томонидан амалга оширила бошланган «Ўзбекистон мактабларига компьютер техникаси» лойиҳаси доирасида АЙРЕКС - Халқаро илмий тадқиқотлар ва олимларни айрибошлаш кенгаши томонидан умумий ўрта таъ-

ларини танлаб олиш имконини берди. Икки босқичда ўтган ушбу тендерда нашриётлардан тушган таклифлар ўрганиб чиқилди. Улар томонидан тайёрланган ва юқори рейтингга эришган 28 номдаги дарслик 2-босқичга киритилиб, голиблар аниқланди. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашга кенг жамоатчиликни жалб этиш, унинг самарали йўллари излаб топишни талаб этмоқда.

на чекланиб қолмаётир. Мисол тариқасида айтсак, АҚШ халқаро тараққий агентлиги /ЮСА-ИД/ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Таянч таълим тизимини такомиллаштириш» (PEAKS) лойиҳаси ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, жамоатчилик ва ота-оналарнинг эътиборини таълим жараёнини қўллаб-қувватлашга янада кўпроқ жалб этиш билан бирга мактабларнинг инфратузилмасини янада такомиллаштиришга ҳам хизмат қилмоқда.

АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти инглиз тили ўқитувчиларини рағбатлантириш ва ўқувчиларнинг бу тилни чуқур ўзлаштиришларига кўмаклашиш борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Шу кунгача мазкур ташкилот ҳомийлигида мамлакатимизнинг 600 нафарга яқин мактаб ўқувчиси АҚШда таълим олиб қайтди. Жорий йилда ҳам 120 нафар иқтидорли йигит-қиз бир йил ўқиш учун АҚШга борди.

— Болалар ўртасида спортни ривожлантириш, уни тарғиб ва ташвиқ этиш Юртбошимизнинг доимий эътиборида. Бу борада халқ таълими тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президентимизнинг бу борадаги чиқишлари ва қабул қилган махсус Фармони ишимизда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Жойлардаги таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб этиш бўйича тадбирлар сезиларли даражада жонланди. Ҳар бир жой алоҳида-алоҳида ўрганилди, имкониятлар аниқланди ва асосийси, кўпгина янгиликлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Масалан, мактабларда янги спорт заллари қурилмоқда, борлари таъмирланиб, зарур анжомлар билан жиҳозланаяпти. Айни вақтда умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари учун 2003-2004 ўқув йилида жисмоний тарбия ва болалар спортга оид ўқув дастури, дарслик ва қўлланмалар яратиш мақсадида Республика таълим марказида муаллифлик гуруҳи иш бошлаб, дарсликлар яратишди. Бугунги кунда мазкур дарсликлар нашр қилиниш арафасида.

ЎЗА мухбири
Хулкар СОДИҚОВА
суҳбатлашди.

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

қандай масъулият юклайди? «Таълим тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқич вазифаларини амалиётга татбиқ этишдаги янгиликлар нималарда кўринади?

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, илғор фикр, ғоя ва тушунчаларни теран идрок этмай туриб, тараққийни ҳам, истиқболни ҳам тасаввур этиш қийин.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг илк босқичида таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, илмий-услубий, молиявий шарт-шароит яратилди. Амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш, асосан, таълим сифатини таъминлашга қаратилган иккинчи босқичнинг дастлабки йилларида Президентимиз Ислоҳ Қаримов раҳнамолигида умумий ўрта таълим муассасаларининг моддий-техник имкониятларини ошириш, замонавий бинолару ўқув техник жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Биргина 2001-2002 ўқув йилида мамлакатимизда 44 минг 975 ўринга мўлжалланган янги мактаблар фойдаланишга топширилди.

Ўтган 2002 йилда умумий ўрта таълим мактаблари биноларини капитал таъмирлаш учун ҳуқуқат томонидан 5033,5 миллион сўм ажратилди. Шу йилнинг январь-февраль ойларида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан жойлардаги молия бошқармалари ва бўлимлари билан биргаликда капитал таъмирланиши ниҳоятда зарур бўлган мактаблар рўйхати аниқланиб, ҳокимликларнинг қарорлари билан тасдиқланди. Ҳозирги кунда республикамиз

таълим узлуксиз таълим тизимидаги бошланғич давр ҳисобланиб, кейинги босқичлар учун замин яратади.

Шу маънода мактабгача ёшдаги болаларни мақсадли равишда таълим олиш жараёнига тайёрлаш қандай кечмоқда?

— Шу яқин ўн йилликкача боғчаларга аксариятимиз болаларни «овунтириб» турадиган бир маскан сифатида қарар эдик. Миллий дастур қабул қилиниши муносабати билан унга мактабгача таълим мақоми берилди. Бу дегани — у ерда нафақат болаларнинг тарбияси, балки саломатлиги, жамият ҳаётига мослашиши учун зарур бўлган илк кўникмаларни ҳосил қилиш ва, энг асосийси, мактабга тайёрлаш борасида фаолият юритилади.

Жорий йилда мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари ўтган йилга нисбатан 34 тага кўпайиб, 6 минг 899 га етди. Уларда 631 минг 146 нафар бола мактабга тайёрланади. Бу вазифани 153 мактаб-боғча мажмуаси, 57 махсус, 186 санаторий типидagi мактабгача таълим муассасаси ҳам адо этиб келмоқда.

2003-2004 ўқув йилида 612 минг 36 нафар бола 1-синфга қабул қилинади. Шулардан 521 минг 230 нафари мавжуд ноъанавий, яъни болалар боғчасидан ташқари таълим муассасаларига қатнаган. Бу 85,1 фоиз бола мактаб таълимига ҳар томонлама тайёр ҳолда келади, дегани.

— Умумтаълим мактабларини замонавий ўқув-техник жиҳозлар билан таъминлаш қандай амалга оширилаётгани хусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Албатта, бугун таълим тизими олдида қўйилаётган талаблар ўқув жараёнига янги технологияларни жорий этишни тақозо қилади. Вазирлигимиз бу борада

лим муассасаларига 102 компьютер синф комплекти ажратилди.

Шуниси қувончлики, худди шу ташкилот томонидан «Ўзбекистон мактабларида Интернет» дастури ҳам амалга оширила бошланди. Бу эса ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, дарс жараёнида янги технологиялар билан ишлаш фаолигини юксалтиришга хизмат қилади. Дастур Андижон, Фарғона, Қарши, Наманган, Нукус ва Термиз шаҳарларида Интернетга уланган олтишта компьютер марказини қамраб олади.

Ўзаро замонавий алоқа тизимини ташкил этиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармалари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг барчаси, шунингдек, 158 туман, шаҳар халқ таълими бўлими, 30 умумий ўрта таълим мактабига модем ўрнатилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда компьютер синфларига эга умумтаълим мактаблар сони 5 мингга етди.

— Замонавий дарсликлар авлодини яратиш, улар билан ўқувчиларни таъминлаш ишлари, хусусан, бу борадаги ижара тизими самарадорлиги ва истиқболлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичида умумий ўрта таълимдаги барча фанлар бўйича мазмун ва сифати юксак дарсликлар яратиш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширила бошланди. Жумладан, дарсликлар яратиш бўйича илк бор ўтказилган тендер улар орасидан ҳар томонлама пишиқ-пухта, арзон ва қулай-



Шу мақсадда таълим ҳомийлари маблағлари, турли нодавлат ташкилотларнинг бу ишга бош қўшишига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Осиё тараққий банк билан ҳамкорликда ташкил этилган дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими қўл келмоқда. 2002 йилда ушбу тизим орқали республикамиз бўйича 3,5 миллиард сўмлик 4,6 миллион нусха, 2003 йилда 2,7 миллиард сўмлик 3,5 миллион нусха дарслик тарқатилди. Кенг миқёсда олиб борилаётган ушбу тадбир мактаблар кутубхоналарининг дарсликлар фонди йилдан-йилга бойишига катта ҳисса қўшмоқда.

Хорижий давлатлар билан бу соҳадаги ҳамкорлигимиз, асосан, мактаблар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув воситалари таъминоти, малака ошириш ва ўқувчиларнинг таълим олиши доираси биланги-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги муносабати билан мукофотланганлар сафида Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Минглаб газетхонларимиз номидан у кишини ушбу мукофот билан табриклаймиз.

Ta'kid

Саволни ўқибок ёки шу тарздаги гапни эшитибок, энсангиз қотиши, табиий. Негаки, бир кунлик 5-6 соатлик дарсдан сўнг уйга келиб, дам олиш ўрнига ўқувчиларнинг математикадан текширув ёзма ишларини, она тилидан назорат диктанти, ижодий баёни, адабиётдан варақ-варақ текширув иншоларини текшириш осон дейсизми? Ва сиз ҳақсиз: энг қийин иш — ёзма ишларни текшириш, таҳлил қилиш. Бу жараён ўқитувчидан катта куч, асаб ва вақт талаб этади. Айниқса, она тили ва адабиёт ўқитувчиларига ёзма ишларни текшириш билан бир қаторда ишлаб чиқариш мажлислари, ота-оналар йиғилиши, педагогика кенгаши қарори, ўқувчи ва ўқитувчиларга тавсифнома ёзиш, турли байрам тадбирлари учун сценарийлар ёзиш каби вазифалар ҳам юклатилган. Шу вазифаларни бажариш билан бирга ёзма ишларни ўз вақтида олиб, текшириб, адолатли баҳо қўяётган, хатолар устида ишлаб, ўқувчилари саводхонлигини ошираётган минглаб устозлар қаторида айрим ўқитувчилар ҳам учрайдики, улар диктант, иншо-ларни текширишда ҳафсаласизлик қиладилар. Натихада ўқувчининг баъзи имловий, услубий, ти-ниш белгилари хатолари тузатилмай қолади. Ўқувчи эса ёзганини тўғри ҳисоблаб, ёзма ишдан олган "4" ёки "5" баҳосига ишониб қолади. Мактабни битириб, саводхонлик бўйича тузилган тест топшириқларини бажаришда қийналади. Кўпинча абитуриентлар она тилидан қийналишади. "Ҳаммасини тўғри белгилаяндим, негадир балл йи-голмадим", "Она тилидан топшириқлар қийин экан" дейишади. Назаримда, ўқувчиларнинг ёзма иш-лари диққат билан текширилиб, ҳар бир ўқувчи-нинг хатоси, унга йўл қўйиш сабаблари ўрганиб борилиб, унга керакли мавзуларни ўрганиш топширилса, фойдали бўларди. Чунки ўқитувчи ҳар бир ўқувчисининг қандай хатоларга йўл қўйиши-ни яхши билади: баъзилар давр, вақт, сарв, сарф каби бир бўғинли сўзларда бир "и"ни орттириб ёзсалар, баъзилар сира, билан, хира, чирок, шикор каби сўзларнинг бирин-чи бўғинидаги "и"ни тушириб ёзадилар. Ёки қовун, совун, товуш, ёвуз, чирмовуқ каби сўзларнинг сўнгги бўғинидаги "у" унлисини "и" билан хато ёзадилар. Бу ўринда ўқитувчи "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари"дан фойдаланиб тушунтириши лозим: "қовун, совун..." каби сўзларнинг олдинги бўғинида "о" унлиси келса, "в" ундошидан кейин "у" айтилади ва ёзилади. Биз мактабларда олинган ёзма ишларни куза-тар эканмиз, айрим хатолар ўқитувчи томонидан тузатилмаганига гувоҳ бўлдик. Балки ўқитувчи бу ёзма ишни яхши текширмагандир, балки ўзи ҳам билмас. Мақсадимиз, кун бўйи ишлаб изланаётган ўқитувчиларни танқид қилиш эмас, уларга ёр-дам беришдир. Тилимизда пароним ва омо-

ним сўзлар борки, уларни тўғри фарқлай ол-маслик натижасида ўқувчилар хатога йўл қўяди-лар. Шеър—шер, таъна—тана, суръат—сурат каби сўзларда биргина ь белгиси маъно-ни бутунлай ўзгартириб юборишини ўқитувчи-лар биладилар, аммо айримлар таъма, шаъ-ма(қилмоқ), таъмагир сўзларини тўғри ёзил-ган деб ҳисоблаганлар. Ваҳоланки, шама ҳам, чой шамаси ҳам шама қилмоқ маъносини бил-диради, иккинчи маъносидан ҳам "ъ"сиз ёзила-ди. Тамагир сўзида ҳам ь йўқ.

Эгалик қўшимчалари -м, -нг, -си, -му, -нгиз, -си орзу сўзига товуш орттирмай қўши-лади: орзум, орзунг, орзу, орзуси, орзу-миз, орзунгиз, орзуси каби. Аммо ёзма иш-ларда орзуйим, орзум каби кўринишлар тўғри-ланмаган. Парво, обрў, мавқе, мавзу, авф сўзларига I, II шахс эгалик қўшимчалари қўшил-

вий хато билан ёзилганига нима дейсиз? Биз-нингча, куйидагича ёзиш тўғри бўларди:

Якуний аттестация раиси:
имзо (С.Маҳмамов)
Аттестация олувчи ўқитувчи:
имзо (Ё.Мўминова)
Ассистентлар:
имзо (Р.Шокирова)
имзо (М.Умарова)

Иншо-лардаги фаришталик буваю буви-жонлар, беқасам тўнлик йигит каби сўз би-риқмаларидаги -лик қўшимчасидаги к ўчирил-маган, ваҳоланки, фариштали, беқасам тўнли деб ёзилиши тўғри. Чунки -ли — сифат ясовчи, -лик эса ўрин-жой оти ясовчи қўшимча -ку!

Шу ўринда "Иншо хатолардан холи" деб тақ-риз ёзилиб, бирорта хато кўрсатилмаган, мазму-ни ва имлосига 5/5 қўйилган бир ёзма ишдаги

ган бу устоз, кўп миллатли туркий ада-биётининг кўзга кўринган намояндала-ридан бири, ёзувчи, журналист, таржи-мон, ўрта(?)деҳқон оиласида дунёга кел-ди." Агар ўқитувчи вергулнинг ўз ўрнида ишла-тилишига эътибор қилганда, услубий хато тўғри-ланган бўларди.

"Иншога режа ва эпиграф ўйлаб тан-ланган. Ўқувчи ўз фикрини далиллар асосида ифода-лай олган" деб услубий, имловий хато билан тақриз ёзилиб, "5" га баҳо-ланган, ҳеч бир хатоси йўқ деб келтирилган ин-шодан намуна келтирамиз:

Майли, менинг руҳим синик хаёлим парқанд. Балки "руҳим синик, хаёлим тарқок" деб тузатилса бўлармиди? Қолаверса, бир мис-раси туширилиб қолдирилган, 7 мисра келтирил-ган шеър-эпиграфдан сўнг муаллиф номи ёзили-ши керакмиди?

"Ўзбек элининг тарихи узоқ асрлар-га бориб тақалиши, бу узоқ тарихда қан-чадан-қанча буюқ сиймолар, шоирлар, олиму фузалолар, улуг саркардалар, лашкарбошилар яшаб ўтишган. Бизнинг Амир Темури бобомиз каби миллий қаҳра-монларимизнинг ибратли ҳаёти ҳам биз-га меросдир. Бизнинг аждодларимиз бизга мана шундай маънавий ҳам маъ-данний мерос қолдиришган экан, биз улардан миннатдормиз. Уларнинг қил-ган ишлари, қолдиришган ноёб китобла-ри, бунёд этишган мақбаралари, боғ-лари, уларнинг номини тарих зарварак-ларига муҳрланган бўлиб, тарихда чу-қур из қолдиришган. Жумладан, улар-нинг бизга қолдирган бебаҳо меросла-рини асраб-авайлашимиз даркор."

Зукко ўқитувчи ушбу парчадаги услубий, ти-ниш белгилари, имловий хатоларни, кириш сўз, феъл нисбатларидаги чалқашликларни тезда топа олишини назарда тутган ҳолда "Изоҳга ҳоҳат йўқ" дедик ва иншо-ни қандай баҳолаш кераклигини сизларга ҳавола қилдик.

Халқимизда доно нақл бор: "Дўст ачитиб, душман қулдириб гапирар". Биз ачитиб, аммо жон куйдириб гапирдик. Ёзма ишлардаги имловий хатоларни, х ва ҳ ни фарқлама-лик ҳолларини айтмасак ҳам ўзингиз биласиз. Айтмас-лик ҳам мумкин эди-ку, лекин бор-да! Бизга са-водхон, ўз фикрини аниқ, лўнда айта олувчи ёш-лар керак. Озгина эътиборсизлик биргина хато урчишига сабаб бўлади. Талабчанлик, ёзма иш-лардаги хатоларни вақтида кўрсатиб бериш эса юзлаб хатоларнинг олдини олади, имло луғатла-рини титкилашга, қоидаларни ўрганишга ундай-ди. Хуллас, фикр-мулоҳаза, таҳлилларимиздан ке-ракли хулоса чиқариб оласизлар, деган ниятда-миз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

ЁЗМА ИШЛАРНИ ТЕКШИРИШ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

ганда эса й товуши қўшиб айтилиши ва ёзили-шини ҳам унутмаслик керак, яъни бу сўзлар об-рўйим, обрўйинг, обрўси тарзида ёзилиши-ни ёдда сақлайлик.

Биз якуний аттестацияда ёзилган иншо-ларни ҳам кўриб чиқдик ва куйидаги ёзувларни учрат-дик. Уларни айнан келтирамиз.

Имт. раиси: ... имзо (фамилия)
Имт. олувчи: ... имзо (фамилия)
Ёрдам: ... имзо (фамилия)
Ёки:
Имт. хайъати раиси: имзо
Имт. олувчи: имзо
Ёрд. ўқит: имзо
Яна шундай ёзилганлари ҳам учради:
Им. ком.р: имзо
Ўқитувчи: имзо
Ассист: имзо
Ассист: имзо

Қаранг-ки, аттестация имтиҳон деб, ассис-тент эса ёрдам, ёрд.ўқитувчи деб ёзилган. Ўқитувчиларнинг исми ёки бош ҳарфи ёзилмай, фақат фамилияси келтирилган ёки имзо билан чекланган. Хайъат сўзи хайъат деб имло-

услубий хатоларни кўрсатишни лозим топдик:

"Бунга мисол қилиб, қундалик ҳаёти-мизда кўрадиған кинодаги фильмлар(?), сахнадаги спектакллар(?), ойна жаҳон-даги бадий фильмларда ҳам инсон рў-ҳий кечинмалари сўз орқали намоён бўлади(?)".

Буюқ кишилар сўзнинг қудрати ҳақида(?), яъни сўзи қудратли халқнинг, ўзи ҳам қудратли бўлади, буни бобола-римиз А.Навойи, М.Бобур, Ойбек, Э.Во-ҳидов, А.Орипов ва кўплаб шоирлари-миз мисолида кўришимиз мумкин... Шу ўринда бир ривоятни киритиб ўтмоқчи-ман."

Биргина ёзма ишдаги мана шу 5 услубий хато тузатилмаган, тиши белгилари хатоларига эъти-бор берилмаган, қолаверса, тақризда "Эпиграф мавзу билан ҳамоҳанг" деб ёзилгани ҳолда биз эпиграфни топа олмадик, балки 3 пунктдан ибор-рат режани ўқитувчи эпиграф деб ҳисоблади-ми? Чунки ўқувчи "Режа" деб ёзишни унутган.

Ёзма ишлардан бирида шундай ёзилган: "Кўплаб тахаллуслар билан ижод қил-

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

"Таълим тўғрисида"ги қонун ижросини таъмин-лаш ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишида Республика нафис санъат лицейи-нинг ҳам ўрни бор, албатта. Бу ерда тараққиётимиз таянчи бўлган иқтидорли ёш ўғил-қизлар чуқурлаш-тирилган тўрт йўналиш бўйича таълим-тарбия ола-дилар. Бу йил лицейга 5-синфга инглиз тили, 7-синфга тарих, 8-синфга санъат ҳамда 9-синфга адабиёт ва суҳандонлик бўйича жами 120 нафар ўқувчи қабул қилинди. Таълим масканида ўқувчи-ларга шу ернинг ўзида туриб, билим олишлари учун барча шароитлар яратилган ҳамда улар учун 500 ўринга мўлжалланган замонавий ётоқхона ҳам мав-жуд.

Хозирда лицейда 800 дан ошиб ўқувчи бўлиб, уларга 60 дан зиёд малакали ўқитувчи ва 4 нафар

фан номзодлари илм-фан сирларини ўргатиб кел-моқда.

Жорий йилда лицейи жамоаси Япониянинг 65 минг долларлик грантини қўлга киритиб, замонавий компьютер техникалари, ўқув қуроллари ҳамда ётоқ-хона хижозларига эга бўлди.

2003 йилда лицейни муваффақиятли тамомла-ган 92 нафар ўқувчининг 85 нафари олий ўқув юр-тлари талабаси бўлишди. Мазкур билим даргоҳи бир неча йилдан буён республика миқёсида барча соҳалар бўйича юқори кўрсаткичларга эришиб кел-моқда. Бу ердан Зулфия номидаги Давлат мукофо-ти совриндорлари, республика олимпиадаси, турли кўрик-танловлар ғолиблари етишиб чиққан.

Шавкат АКРАМОВ
олган суратлар.

Akademik litseylarda

Куйганёр академик ли-цейида янги ўқув йилидан 500 нафар ўқувчи тўрт йўна-лиш бўйича таълим ола бош-лади. Бу даргоҳда 50 нафар-дан зиёд педагог фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 2 нафари фан доктори, 3


КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

нафари фан номзоди, 11 на-фари олий тоифали ўқитув-чилардир.

Жамоа ўтган ўқув йили-да катта муваффақиятларни қўлга киритди. "Конституция — бахтимиз пойдевори" кўрик-танлови республика босқичида 1-ўринни, фан олимпиадалари якунлари бўйича ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув юртла-ри ўртасида вилоятда 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Шунингдек, лицей ўқув-чилари "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида ишти-рок этиб, фахрли ўринларни эгалладилар.

О.СИДДИКОВ



Санъатда ўз созинга, овозинга эга бўлиш, кўплаб мухлислар орттиришни бахт деб ҳисоблаш мумкин. Элимизда эса бундай санъаткорлар бисёр. Ҳожиакбар Ҳамидов шулардан бири. У ижро этган кўшиқлар мазмундорлиги, оҳангдорлиги, энг муҳими тингловчининг юрагида эзгу ҳисларни уйғотиши билан қадр топиб улгурган. Айни пайтда тарих фанлари доктори Ҳожиакбар Ҳамидов Тошкент давлат иқтисодиёт университетида тарих фанидан талабаларга сабоқ беради.

— Сизнинг ижод тугёнларингиз ўзбек кўшиқчилиги санъатида ўзига хос йўналишда жаранглаб келяпти. Мухлисларингиз ҳам кўп. Сизни санъат йўлига бошлаган куч нима?

— Санъат бир илоҳий тушунча, унга ҳар ким ҳам қўл ура олмайди. Оллоҳ томонидан берилган истеъдод бўлмаса, кишининг санъат йўлига тушиб, шон-шухрат қозониши осон гап эмас. Эсимни таниганимдан бери кўшиқ айтишга ихлосим бор. Бола эдим, ҳали телевизор оммалашмаган, аммо радио орқали тараладиган куй борми, кўшиқ борми, мени оҳанрабодай ўзига тортар эди. Кўлимга тушган лаганча, сим тортилган ёғоч мусиқа асбоблари бўлиб хизмат қилар, тўғриси айтганда, амакиларим—Абдуқайюм ва Муҳаммаджон оталарнинг кўшиқ куйлашидан дилим завққа тўлар, улардай салобатли ҳофиз бўлгим келарди. Айниқса, уларнинг Куръони каримни қироат билан ўқишлари мени қаттиқ ларзага соларди. Хонадонимиздаги ва маҳалладаги тадбирлар ана шу амакиларим иштирокисиз ўтмас, уларга ўхшаб, ашула айтишни орзу қилардим. 5-синфдагимда отам рубоб олиб берган эдилар. Шундан кейин санъатга қизиқишим аввалгидан ўн чандон ошиб кетди. Аввалги киргойиладарим ўрта мактабни тугатгач, йирик санъаткорлар — Фахриддин Умаров, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзовлар ижро этган кўшиқларга мурожаат қилишга ундади. Шундай қилиб, санъат мени ўзига батамом сеҳрлаб олди. Кейинчалик 1966 йилда ҳозирги санъат институтига ҳужжат топшириб, ижодий имтиҳондан ўтолмадим. Шу йили ТошДУнинг тарих факультети кечки бўлимига ўқишга кирдим.

— Сиз санъаткорликни, янглишмасам, иккинчи касб қилиб олгансиз. Кўп йиллардан буён Тошкент давлат иқтисодиёт университетида талабаларга дарс берасиз. Икки соҳада фаолият юритиш сизга қийинчилик туғдирмайдими?

— Мендан кўпчилик сўрашади, қайси бирига меҳрингиз кўпроқ деб. Мен эса иккала соҳага ҳам бирдек меҳр билан қарайман. Ҳозирги муваффақиятларимнинг ҳам, санъаткорликнинг ҳам ўзига яраша жиддий меҳнати бор. Билиминг етарли бўлмаса, дарс беролмайсан.

— Сиз талабаларга «Ўзбекистон тарихи» фанидан сабоқ берасиз. Ҳозирги кунда талаба муносабатида нима муҳимроқ?

— Ҳозирги кунда талаба ўртасида самимиликдан устун турувчи ҳолат бўлмаса керак. Баланс парвоз гапларни, юриш-туришини талаба халқи умуман ёқтирмайди. Аудиторияга кирганингизда, улар сизнинг нафақат маърузангизни, балки ўзингизни ҳам бошдан-оёқ кузатишади. Кийинишингизу кўз

билдиришингиз керак, шундагина улар ҳам сизга эътибор билан қарашади, ҳурмат қилишади.

— Кўпчилик чиндан ҳам шундай ўйлайди. Аммо у киши билан менинг овозим ўртасида 100 фоиз ўхшашлик бор, деб айтиш қийин. Санъатга меҳр уйғонган дастлабки кезларданок мен устоз Фахриддин Умаров ижросидаги кўшиқларни ўзимча киргойи қилиб юрардим. Ул зотда онг, тафаккур жуда юксак, бунинг устига Оллоҳ томонидан берилган ширали, кўшиқ айтишга мос, чиройли овоз бор. Машҳур ҳофизнинг кўшиқларини айтишга айтардим, у киши буни қандай қабул қилар экан, дея истиҳолога борардим.

1970 йил эди ўшанда. Ўзбек давлат филармониясида Фахриддин Умаровнинг концерти. Томоша-

Меҳмонхона



қарашларингиз, ҳамма-ҳаммасини имтиҳон қилишади. Ана шу имтиҳондан яхши баҳо олишни истасангиз, уларга чин дилдан меҳр беришингиз керак. «Ўзбекистон тарихи» курси биринчи босқич талабаларига ўтилади. Улар бугунги авлод, аксарияти эстрада йўналишидаги кўшиқларни тинглаб, катта бўлишган. Менинг кўшиқларимни тинглашмаган. Мен ҳақимда кўпчилиги ота-онасидан бориб сўрар экан, улар кўшиқларим ҳақида ҳикоя қилиб беришади шекилли, ўзимга нисбатан ҳурмат-эътибор билан қараётганларини сеза бошлайман. Талабаларга меҳр бериб турганингизни

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ:

«КўШИҚЛАРДАН, ФИКРЛАРДАН ЯРАЛАР ДУНЁ»

дан сўнг унинг номи ҳам аста-секин унутилади. Ҳозирги замоннинг тадқиқотчилари таъкидлашча, инсондан фикргина абадий қолар экан. Бунга кўшимча қилиб, нима дейишингиз мумкин?

— Инсон икки бор яшайди: бу дунё ва вафотидан сўнг. Тўғри, аввало ундан ақли-ҳушли, солиҳ фарзандлар қолади, қурган иморатлари қолади, халқ учун қандайки эзгу амал қилса, бари вақтинчалик тилда қолади. Аммо айтганингиздек, унинг фарзандлари ҳам бу олам билан хайрлашади, қурган иморатлари нураб, қулар ҳолатга келади. Фикр эса абадий, фикр бу асар.

— Мени ёд эт" номли асар битдик, Набижон Боқий билан ҳаммуаллифликда. 10 минг нусхада босилди. Устозим Фахриддин Умаров ҳаёти ва ижодий фаолиятдан сўзловчи бу асар ҳам бизни ёдга солиб туришига умид қиламиз. «Қутадғу билиг», «Авесто», «Девону луготит турк» асарларини олинг, қанча-қанча замонлар ўтиб, бизга қадар етиб келди. Пифагор, Аристотел, Гиппократ, ибн Сино, Беруний, Улуғбеклардан илмий мерослар қолди. Қанча-қанча асрлар ўтса ҳамки, бу асарлар ўлмайди, дунё тургунча туради. Хоҳ бадий, хоҳ илмий, хоҳ хотира шаклида бўлсин, асар ёзиш керак, кимдир вақти келиб, албатта уни варақлайди. Аждодларимизнинг ҳозирга қадар топилаётган нодир қўлёзмалари ҳам

— Сиз талабаларга «Ўзбекистон тарихи» фанидан сабоқ берасиз. Ҳозирги кунда талаба муносабатида нима муҳимроқ?

— Ҳозирги кунда талаба ўртасида самимиликдан устун турувчи ҳолат бўлмаса керак. Баланс парвоз гапларни, юриш-туришини талаба халқи умуман ёқтирмайди. Аудиторияга кирганингизда, улар сизнинг нафақат маърузангизни, балки ўзингизни ҳам бошдан-оёқ кузатишади. Кийинишингизу кўз

билдиришингиз керак, шундагина улар ҳам сизга эътибор билан қарашади, ҳурмат қилишади.

— Кўпчилик чиндан ҳам шундай ўйлайди. Аммо у киши билан менинг овозим ўртасида 100 фоиз ўхшашлик бор, деб айтиш қийин. Санъатга меҳр уйғонган дастлабки кезларданок мен устоз Фахриддин Умаров ижросидаги кўшиқларни ўзимча киргойи қилиб юрардим. Ул зотда онг, тафаккур жуда юксак, бунинг устига Оллоҳ томонидан берилган ширали, кўшиқ айтишга мос, чиройли овоз бор. Машҳур ҳофизнинг кўшиқларини айтишга айтардим, у киши буни қандай қабул қилар экан, дея истиҳолога борардим.

1970 йил эди ўшанда. Ўзбек давлат филармониясида Фахриддин Умаровнинг концерти. Томоша-

қарашларингиз, ҳамма-ҳаммасини имтиҳон қилишади. Ана шу имтиҳондан яхши баҳо олишни истасангиз, уларга чин дилдан меҳр беришингиз керак. «Ўзбекистон тарихи» курси биринчи босқич талабаларига ўтилади. Улар бугунги авлод, аксарияти эстрада йўналишидаги кўшиқларни тинглаб, катта бўлишган. Менинг кўшиқларимни тинглашмаган. Мен ҳақимда кўпчилиги ота-онасидан бориб сўрар экан, улар кўшиқларим ҳақида ҳикоя қилиб беришади шекилли, ўзимга нисбатан ҳурмат-эътибор билан қараётганларини сеза бошлайман. Талабаларга меҳр бериб турганингизни

дан сўнг унинг номи ҳам аста-секин унутилади. Ҳозирги замоннинг тадқиқотчилари таъкидлашча, инсондан фикргина абадий қолар экан. Бунга кўшимча қилиб, нима дейишингиз мумкин?

— Инсон икки бор яшайди: бу дунё ва вафотидан сўнг. Тўғри, аввало ундан ақли-ҳушли, солиҳ фарзандлар қолади, қурган иморатлари қолади, халқ учун қандайки эзгу амал қилса, бари вақтинчалик тилда қолади. Аммо айтганингиздек, унинг фарзандлари ҳам бу олам билан хайрлашади, қурган иморатлари нураб, қулар ҳолатга келади. Фикр эса абадий, фикр бу асар.

— Мени ёд эт" номли асар битдик, Набижон Боқий билан ҳаммуаллифликда. 10 минг нусхада босилди. Устозим Фахриддин Умаров ҳаёти ва ижодий фаолиятдан сўзловчи бу асар ҳам бизни ёдга солиб туришига умид қиламиз. «Қутадғу билиг», «Авесто», «Девону луготит турк» асарларини олинг, қанча-қанча замонлар ўтиб, бизга қадар етиб келди. Пифагор, Аристотел, Гиппократ, ибн Сино, Беруний, Улуғбеклардан илмий мерослар қолди. Қанча-қанча асрлар ўтса ҳамки, бу асарлар ўлмайди, дунё тургунча туради. Хоҳ бадий, хоҳ илмий, хоҳ хотира шаклида бўлсин, асар ёзиш керак, кимдир вақти келиб, албатта уни варақлайди. Аждодларимизнинг ҳозирга қадар топилаётган нодир қўлёзмалари ҳам

— Сиз талабаларга «Ўзбекистон тарихи» фанидан сабоқ берасиз. Ҳозирги кунда талаба муносабатида нима муҳимроқ?

— Ҳозирги кунда талаба ўртасида самимиликдан устун турувчи ҳолат бўлмаса керак. Баланс парвоз гапларни, юриш-туришини талаба халқи умуман ёқтирмайди. Аудиторияга кирганингизда, улар сизнинг нафақат маърузангизни, балки ўзингизни ҳам бошдан-оёқ кузатишади. Кийинишингизу кўз

билдиришингиз керак, шундагина улар ҳам сизга эътибор билан қарашади, ҳурмат қилишади.

— Кўпчилик чиндан ҳам шундай ўйлайди. Аммо у киши билан менинг овозим ўртасида 100 фоиз ўхшашлик бор, деб айтиш қийин. Санъатга меҳр уйғонган дастлабки кезларданок мен устоз Фахриддин Умаров ижросидаги кўшиқларни ўзимча киргойи қилиб юрардим. Ул зотда онг, тафаккур жуда юксак, бунинг устига Оллоҳ томонидан берилган ширали, кўшиқ айтишга мос, чиройли овоз бор. Машҳур ҳофизнинг кўшиқларини айтишга айтардим, у киши буни қандай қабул қилар экан, дея истиҳолога борардим.

шундан далолат бермайдими? Ана шу асарлар дунёни ифодалайди, уни ўзида мужассам этади. Демак, фикрларнинг инъикоси—асарлар дунёдаги энг қимматбаҳо бойликлардир.

— Бир хил мазмундаги, аммо аънавий бўлган галдаги саволимиз сизга сабоқ берган устозларингиз ҳақида...

— Тошкент шаҳрининг Дўмбиробод маҳалласида туғилганман. Отам оддий ишчи бўлганлар. Ана шу маҳалладаги 131-мактабда бошланғич таълим олиб, сўнгра 5—8-синфларни 4-мактаб-интернатда ўқудим. Муаллим Карима опа Раҳимбоевани яхши эслайман. Бошланғич синфда дарс берган бу муаллимнинг характерида талабчанлик билан меҳрибонлик шу қадар мутаносиб бўлиб кетган эдики, ана шу икки хислат бизга уларни улғувор қилиб кўрсатарди. Ашула дарсида Карима опа синфдошим Мирсоат иккимизни турғазиб қўйиб, кўшиқ айттирар, ўзи ҳам орқа партага ўтириб, ўқувчига айланарди. Карима опа ҳозир ҳаёт, учрашиб тураман, менинг кўшиқларимни тинглашни ҳамон яхши кўради. Шарифа опа, Кўчқорбой ота, Одил ака деган муаллимларимиз ҳам бор эдики, уларни мактабнинг уриб турган юраги, виждони дейишарди.

— Қайси шоирларнинг ижодига мурожаат қиласиз?

— Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон, Нормурод Нарзуллаев, Пўлат Мўмин, Биби-сора Турובה каби таниқли шоирлар ижодидан саралаган шеърлар асосида жами 100 дан ортиқ кўшиқ яратганмиз. Раъно Турдиева, Қодир Дехқонов, Дилором Икромова сингари ҳаваскор шоирларнинг шеърларини ҳам куйга солганман. Шоир танламайман, шеър танлайман. Айрим ҳолларда куйга мос келмайдиган сўзларни шоир розилиги билан ўзгартиришимизга тўғри келади. Энг муҳими, яратилган кўшиқ мухлисининг юрагида эзгу ҳислар уйғотишида. Кўшиқлар кўп, аммо эса қоларлиси кам. Шундай кўшиқ айтиш керакки, мухлис уни эшитганда таъсирлансин, кулсин, йиғласин, умуман, юраги жунбушга келсин. Таваккал Қодиров, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов кўшиқларини эшитганда мухлислар қаттиқ таъсирланишарди.

— Янги 2003—2004 ўқув йили бошланди. Ҳам ўқитувчи, ҳам олим, ҳам санъаткор сифатида «Ma'rifat»ни қўлдан қўймай ўқувчиларга қандай тилаклар билдириб қоласиз?

— Устозим Фахриддин Умаровнинг «Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда» деган кўшиғи бор. Умр ўтаверади, бир кун ундок, бир кун мундоқ. Кўз очиб юмгунча инсон ёши бир жойга борганини ҳам сезмай қолар экан.

Янги 2003—2004 ўқув йили ҳам бошланиб кетди. Биз учун одатдагидек ташвишлар, аммо илк бор мактаб остонасига қадам қўйган бола, биринчи бўлиб ўқувчиларга дарс бера бошлаган муаллим, институт ёки университет талабалигига қабул қилинган йигит-қизлар учун янги ўқув йили бир умр эсда қолади. Тилагим, мурабийлар ёш авлод бахтига омон бўлишсин. Бу касб бахт-иқболга тўла, ана шу омадни топиш ҳар бир ўқитувчининг ўз қўлида. Истардимки, машаққатли касб соҳибларининг барчаси ҳам бахт-иқболга эришсинлар. Янги ўқув йили улар хотирасига унутилмас воқеалар билан муҳрлансин.

**Сухбатдош Хулқар
ТҲЙМАНОВА**

«Elda aziz»

Сизни кўп эслайман, Устоз. Ҳаётимнинг энг беғубор дамлари бўлган болалигим, жўшқин, қайсар ўсмирлик чоғларим, сир-синоатга тўла ёшлигимнинг бир қисми билан боғлиқ хотираларда сизнинг ҳам ўрнингиз бор. Ўтган ва ўтаётган йиллар хотирани хиралаштиради. Унинг ўрнини янгиси эгаллайди. Аммо менинг хотираларим қанчалик олисласа, шунчалик тиниқлашади. Баъзан болаликдаги бирор бир воқеани майда икир-чикиригача эслайман. Гоҳида ўша дамларда мен учун аҳамиятсиз бўлиб кўринган ҳодисалар бугун муҳимдай туюлади. Улардан хулосалар чиқараман. Ана шу ху-

ўнта давлатни номма-ном айтиб, кўрсатиб беришини сўрардингиз. "Ҳеч бўлмаса, шуни билишинг керак", дердингиз. Баъзан тўполон қилган синфдошимизнинг устидан бошқа ўқитувчилар шикоят қилсалар ёки иккита бола бир-бири билан урушиб қолса, доим кулиб турадиган чех-рангиз тундлашарди. Ўша болага секингина "Мен сендан буни кутмагандим" деган гапингизнинг ўзи етарли бўларди. У хижолатдан ўзини қўйишга жой топа олмай, сиздан қайта-қайта кечирим сўрарди.

Ўқувчиларни дарсингизга яна ҳам қизиқтириш учун тарихий мавзуларга боғлиқ бадиий

ган нигоҳларга қараб туриб, уларнинг меҳрини қозониш учун барча айтганларим камлигини ҳис қиламан. Уларнинг қалбига йўл топиш, фикрларини эшитиш, қизиқишларини рағбатлантириш, саволларига жавоб бериш, билмаганларини ўргатиш ва энг муҳими, уларни яхши кўриш кераклигини идрок этаман. Сиз ҳам бизни жуда яхши кўрардингиз. Ана шу меҳрни биз ҳамини ҳис қилардик. Ҳатто мактаб директори бўлганингизда ҳам бизга дарс ўтишни биринчи ўринга қўярдингиз. Доим мактабга, синфга шошардингиз. Унинг замирида моддий манфаат муҳим эмасди. Ҳозир-чи? Шу

ҳамма жиҳатларда бизга ўрнак бўлардингиз. Ҳеч кимга овозингизни кўтармасдингиз, ўқувчининг камчилиги, айби ёки хатосини кўпчиликнинг ичида ҳеч қачон айтмасдингиз. Секин четга чақириб тушунтирардингиз. Доим тоза, содда ва чиройли кийинардингиз. Биздан ҳам шуни талаб қилардингиз. Ўша даврлар билан яна бугунни солиштираман. Айрим ўқитувчиларимиз ана шу тарбиячиликни ҳамини иккинчи даражали деб билишади. Шунда ҳам ўқувчининг шахсияти билан ҳисоблашмайдилар. Улар ҳам катта бўлиб, ўзларини ҳар нарсада ҳуқуқи бор, ҳамиятли инсон сифатида ҳис қиладилар. Ўқитувчилар эса буни эътиборга олмай, арзимаган хатоси учун ўртоқларининг олдида мулзам қилади, уялтиради. Баъзан бақириб ҳақорат ҳам қилади. Ўқувчилардан ҳам шун-

назаримда, бутун эътибор интеллектуал салоҳиятга, билим олишга қаратилмапти-ку, барибир, тарбия борасида оқсаш бўлаяпти. Биз болаларимизнинг бир неча хорижий тилларни билишидан фахрланамиз, ўз тилида тўғри гапириб, тўғри ёзолмаётганидан хавотир олмаймиз. Компьютер техникасини яхши билишини қайта-қайта таъкидлашимиз, уларнинг тарбиясини ҳам компьютерлар зиммасига юклаб қўётганимизни ҳаёлимизга ҳам келтирганимиз йўқ. Сиз доим учрашганимизда бир гапни кўп такрорлайсиз, "ёшларни саводли қилиш, билим бериш, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш бизнинг энг эзгу мақсадимиз. Бирок, бу мақсадга эришишимиз учун маънавиятни моддийликка қурбон қилмаслигимиз керак". Бундай эзгу мақсад билан мамлакатимиздаги юзлаб, минглаб сизга ўхшаган фидоий устозлар фаолият кўрсатишяпти.

... Сизни яна эслайман, Устоз. Бугун нафақага чиққанда нима билан машғул бўлишингизни тасаввур қиламан. Бошингизда оппоқ рўмол, кўзойнак остидан атрофингизни қуршаган набираларингизга нималарнидир ҳикоя қиласиз. Уларнинг мунчоқдек кўзлари сизга термулган, вужудлари билан сизни тинглайди.

... Сизни бугун яна эсладим, Устоз. Айниқса, байрамларда, касб байрамида сизни ҳамма шогирдларингиз, ўқувчиларингиз эслайди. Кимдир кўнғироқ қилиб табриклайди, кимдир аввалгидай откритка йўллайди. Фарзандларингиз ёки набираларингиз бир даста гул келтиришади. Байрам муносабати билан жонажон мактабингизга, Бувайда туманининг 1-ўрта мактабига таклиф қилишади. Байрам тантаналарида Сизга, бутун умрини ўқитувчиликка, ёшларга таълим-тарбия беришга бағишлаган табаррук устоз Лизара Раҳмоновага сўз беришади.

Сиз сўзга чиқасизу, бирорта бегона болани кўрмайсиз. Булар сиз ўқитган ўқувчиларнинг фарзандлари, набиралари. Сиз уларда бизни кўрасиз ва тўлқинланиб кетасиз. Ўқувчилар ҳам ҳамини ота-оналари ҳурмат билан тилга оладиган устозни дарров танишади. Йиғилганлар, барчанинг нигоҳи сизга қадалган ва вужудлари билан сизни тинглайди. Уларнинг қаторида мен ҳам борман, Устоз. Сизнинг сўзларингизни бутун борлигим билан эшитаман. У ҳамини менга сабоқ бўлади.

Назира ТОШПҮЛОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети "Журналистика назарияси, амалиёти ва тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси

МЕН СИЗДАН

САБОҚ ОЛДИМ

лосаларда сизни кўраман.

Сизни кўп эслайман, Устоз. Аввалига саводимни чиқарган устозим, мени бошқа бир дунёга олиб кирган бўлса, сиз берган сабоқ орқали ўша дунёнинг сир-синоатини англайман. Айтган гапларингизни ҳаётда, ўша сирлардан воқиф бўлганда кўраман. "Аслида мен эмас, ҳаётнинг ўзи мураббий. Унинг пасту баланд, аччиқ ва ширин онлари, енгил ва машаққатли йўллари, қутилмаган зарбалари инсонни пиштади, тарбиялайди. Менинг вазифам ана шу йўлларда қоқилмаслигингиз учун зарур бўлган билимни беришдир", дердингиз. Чиндан ҳам сир-синоатга тўла бу оламни билиш учун, ҳаётнинг минг бир чиғиригидан ўтиш, мураккабликлари, қийинчиликлари қаршисида эсанкирамаслик учун сиз берган билим жуда зарур экан. Бу фақат менинг эмас, бошқаларнинг ҳам икродидир.

Йиллар ўтди. Кўча чангитган болалик ҳам ортда қолди. Орзуларга тўла болалик тасаввуримга ҳаёт ҳақидаги дастлабки чизгиларни сиз бердингиз. Агар бошда ҳарфлардан сўзларни, сўзлардан маънони англаб саводим чиққан бўлса, энди маънолардан дунёни англадим. Сиз туфайли сўзга, китобга меҳр кўйдим. Тарих дарсини шундай ўтардингизки, гўё ўзимизни мозийда, ўша ўтмишда ҳис қилардик. Ҳикояларингиз бутун синфни сеҳрлаб қўярди. Ўттиз тўрт қорақўз, ўттиз тўрт нигоҳ сизга қадалган ва яна шунча вужуд сизни тинглади. Бутун синф сизнинг дарсингизни яхши кўрарди ва албатта, сизни ҳам. Энг паст баҳога ўқийдиган бола ҳам сиз топширган уй вазифасини бажаришга ҳаракат қиларди. Жилла курси, бўлган воқеаларнинг даврий санасини ёдлаб оларди. Агар уларнинг жавобларидан қониқмасангиз, доскага чиқариб, дунё харитасидан

китоблар олиб келардингиз. Буни кўриб ҳамкасбларингиз "ўзи аслида Лизарахон адабиётчи бўлиши керак эдию, адабиёт тарих ўқитувчилигини танлаб қўйган-да", дейишарди ҳазиллашиб. Баъзан воқеалар ҳақида тўлиқ тасаввур қилишимиз учун тарихий шахсларнинг тилидан сўзларингиз. Шунданми, мактабни битирганимизча, бадиий асарлардан монологлар ёдлар эдик. Синфдошларимнинг кўпчилиги сиздай ўқитувчи бўлишни орзу қилишарди.

Бир сафар сиз мендан "ўқитувчи бўлмайсанми?" деб сўраганингизда "йўқ, устоз, мен ўқитувчи бўлишдан кўрқаман. Чунки сиздай бўлмайман. Бунга кучим ҳам, билимим ҳам камлик қилади. Ҳеч ким мени эшитмас-чи? Сизни яхши кўрганларидай бўлмас-чи? Кейин нима қиламан?" дедим. Сиз бўлсангиз "буларнинг ҳаммаси ўткинчи, энг муҳими, сенинг хоҳишинг ва унга интилишингдир. Бирор касбга меҳр кўйсанг ва уни эгаллашга астойдил ҳаракат қилсанг, ниятинг албатта амалга ошади", дегандингиз. Лекин сиздек бўлиш учун бу камлик қиларди. Сиз ўз касбингизнинг фидоийси эдингиз.

... Сизни кўп эслайман, Устоз. Айниқса, бугун мен ҳам сизнинг изингиздан бориб, ёшларга сабоқ бераётганимда, дарс ўтиш услубларингизни ёдга оламан. Бирор муаммага чора тополмай қолганимда, янги ишга қўл урмоқчи бўлганимда сиз билан ҳаёлан гаплашаман. Сиз менга кўп жиҳатдан ўрнак-сиз-да. Ҳаргал талабалар ҳузурига кирганимда, дарс ўтаётганимда менга ишонч ва умид билан қадал-

соҳада ишлаганим учунми, бизга таълим берган устозлар билан бугунги ўқитувчиларни таққослайман. Кўча-кўйда, баъзан давраларда "ўқитувчиман" десам, менга бошқача қарашади. Кўнглимда бир талай саволлар туғилади. Бу саволларга жавобни сиздан сўрайман, ўзимдан сўрайман. Кейинги пайтларда касбга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқатдан кўра, унга тирикчилик воситаси сифатида қараш кучайгани бор гап. Ҳозир аксарият янги ишга келган ўқитувчи учун ўқувчи ёки талабанинг дарсини, фанни ўзлаштириш муҳим эмас, балки қанча дарс қолдиргани, қанча кечикиб келгани муҳим бўлиб қолгандай. У ўқувчи билан шунга яраша "муомала" қилади. Инсон тақдирига бефарқлик билан қараш ўз томирига болта уриш билан баробар. Шу боис ҳам XX асрнинг бошларида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний каби зиёлиларимиз бу ҳақда кўп қайғуришган.

... Сизни кўп эслайман, Устоз. Бизга доим, айниқса, юқори синфда ўқиётганимизда тўғри касб ташлашимиз лозимлигини қайта-қайта таъкидлар эдингиз. "Агар танлаган касбингизга меҳр кўймасангиз, бир кун ҳам ишлолмайсиз, ҳаётда кўп қийналасиз. Шунинг учун, аввало, касбингизни севинг" дердингиз. Ўзингиз эса ўрнак бўлардингиз.

... Сизни қайта-қайта эслайман, Устоз. Сиз бизнинг тасаввуримизда фақат муаллим сифатида эмас, тарбиячи сифатида ҳам қадрли эдингиз. Доим бизнинг юриш-туришимиз, кийинишимиз, муомалаимизни кузатардингиз. Аввал бошда ана шу

га яраша жавоб олади.

Ўқитувчисининг ёнидан салом бермай ўтиб кетишса, гапларини қулоқларига олишмаса, ҳозирги ёшларнинг ёмон бўлиб кетаётганидан нолишади.

Халқимизда "нима эксанг, шуни ўрасан", деган нақл бекор айтилмаган. Қолаверса, ўқувчиларимиз бизга кўзгу. Уларда ўзимизни кўраемиз. Баъзи бир ўқитувчилар тарбиячиликни ўз вазифаси сирасига киритмайдилар. Ёки тарбияни фақат таъкиб қилиш, тергаш деб тушунишади. Баъзан тарбия хусусида суҳбатлашиб қолганимизда, тажриба алмашганда, тарбиянинг мазмун-моҳияти ҳақида гапирсангиз, "сизни эшитаяптими, тарбиялайверинг, бизга бунинг учун эмас, ўқитганимиз учун тўлашади", деган кинояли гапларни ҳам эшитиб оласиз. Шундай пайтларда бугунги ёш ўқитувчиларга сиз ва сизга ўхшаган устозларнинг тажрибалари нақадар зарурлигини тушунаман.

... Яна сизни эслайман, Устоз. Бизни ўқитган пайтингизда таълим тизими бошқача эди. Жуда зўр биладиганга ҳам, ҳеч нарса ни тушунмайдиганга ҳам бир хил таълим бериларди. Ҳозир эса бошқача. Бутун эътибор ёш авлодни етук ва баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган. Шахс камолоти биринчи ўринга чиққан. Ёшларни эркин фикрлашга ўргатиш, қизиқишларини ривожлантириш, мустақил изланишларига имкон яратиш бугунги таълим тизимидаги устувор вазифа. Уни амалга ошириш учун моддий-техника баъзаси яратилган. Таълимнинг илғор усуллари жорий қилинмоқда. Бирок,

Яқинда Чорсу бозори бекатидан автобусга чиққан бир тўда аёлларнинг куйидаги суҳбати беихтиёр диққатини тортди.

— Бу йил Турсунбойингиз мактабга чиқади, — деди жилмайиб билан ёшгина жувон ёнидаги аёлга.

— Вой, дарров-а!? Тузукрок ўқитувчига беринг-да, яхшироқ ўқитсин.

— Ойниса опанинг синфига беринг, тажрибалари катта, — деб гапга аралашди учинчи аёл. Шунда шаддоггина яна бир аёл гап билан қайтариб ташлади.

— Ие, ўйлаб гапираяписми? Келиб-келиб Латофатхоннинг боласини пенсионер Ойниса опага рўпара қиласизми? Ахир дарс ўтишининг ўрнига “жоним болам”дан нарига ўтмайдилар-ку, билим қолибдими у ўқитувчида. Нима кўп, ҳуда-беҳуда тўй-маъракага юришлари кўп. Дарс деганам шунга яраша ўлда-жўлда...

— Болани бошидан қаттиққўл эркак домланинг қўлига бер, — деб орага суқилди олдида ўтирган мўсафид.

— Маҳалламиздаги Норбуванинг яқинда туширган келини институтни битириб, мактабга ўқитувчи бўлиб келибди, деб эшитдим, ўшанга беринг. Ҳар ҳолда ёш, чаққон ва болажон, билимимам замонавий...

— Қайдам, олдин ҳужжатларини тўғирлаб, мактабга олиб чиқай, бир маслаҳатни қилармиз, — деди йманиб гап мавзусини бошлаб кўйган жувон.

Ушбу суҳбат сабабчи бўлди-ю, ширинтой фарзандлари мактаб остонасига илк қадамни қўётган ёки бошланғич синфда ўқиётган ота-оналаримизга ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни билдиришни лозим деб топдим.

Назаримда, автобусдаги йўловчи аёллар масалага фақат бир томонлама ёндашиб, унинг бошқа жиҳатлари ҳақида фикр юритмадилар.

Албатта, ҳар бир оилада фарзанднинг мактабга илк қадам қўйган куни, аввало, боланинг ҳаётида унутилмас воқеа ҳисобланади. Кечагина ўйинчоқлари билан бир дунё бўлиб, овуниб юрган бола энди мактабга борди. У ўзини бирмунча катта бўлгандай ҳис қила бошлайди.

Боланинг мактабга бўлган давридаги руҳий ривожланишининг энг муҳим натижаларидан бири — унинг ўқиш жараёнига психологик тайёр эканлигидир. Мактаб ўқувчисига айланган болада оила, мактаб ва ўқитувчиси олдида масъулият пайдо бўлади. Мактаб ёшидаги болаларда ўқувчи бўлиш, каттароқ ишлар билан шуғулланиш истаги ўйонади. Уни ўйинчоқлар билан ўйнаш давридани яна бир юқори поғонага психологик жиҳатдан ўсгани кўринади. Ушбу ёшдаги болаларда ўқишга бўлган интилиш ва иштиёқнинг етарли даражада эканлиги муҳимдир. Аммо у ҳар бир болада турлича бўлади.

Масалан, мактабгача бўлган ёшда ота-оналари камдан-кам эртақ, шеърлар айтиб ёки ўқиб берадиган, “нимага?” деган адоқсиз саволга қисқа, тушунарли ёки умуман жавоб қилмайдиган оилалардаги болалар мактабга анчайин сушт тайёр бўладилар, келгусида бошқа ўқувчи болаларга қўшилишдан, саволларга жавоб қилишдан тортинадилар ва бундан ўзларини кўпроқ қийнайдилар.

Биринчи синф ўқувчисининг ақлий ривожланиши ҳақида сўз юритар эканмиз, боланинг атрофмуҳит тўғрисидаги билим захирасининг ўзи эмас, (предметлар ва уларнинг хоссалари, жонли ва жон-

лалардаги айрим психологик тушунчалар, яъни идрок қилиш, диққат, хотира ва ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш керак бўлади.

Бошланғич синф ёшидаги болаларда идрок қилиш жараёни кўп жиҳатдан ундаги ҳаётий кўникма, билим захираси билан боғлиқдир. Агарда бола мактабгача бўлган даврда ўз диққатини атрофга қаратган бўлса, эндиликда у ўқитувчи томонидан берилаётган барча ахборот ва янгиликларни қабул қилишга мажбур бўлади.

Бола мактабдан қайтиб, дарс тайёрлашга ўтирганда ота-она “Мана буни кўрдингми, пайқа-

қалам топиши керак. Ёзишга ўтиргач, гоҳ сатрни варақнинг ўртасидан бошлаб кўяди, гоҳ жумлани бош ҳарф билан бошлашни унутди, гоҳ варақини ўнг томонидан жой қолдиришни эсидан чиқаради ва ҳоказо. Ҳар гал қоғозни алмаштиргани билан у яна бир хатоликка йўл қўйверади ва охири қоғозни гижимлаб четга отади.

“Атрофингга аланглама, ёз!” дейди отасининг жаҳли чиқиб. Иккинчи томондан эса онаси “овқатингни егин ва менинг гапларимни эшит!” дейди қизишиб. Шундай қилиб, боланинг асосий ишдан тезда чалғиши, иккита ҳодиса ўртасида диққатини тақсимлай олмас-

ятни ҳис қилиб, дарс тайёрлаш ва тартиб-интизомли бўлиш каби қобилиятлари ривожланишига имконият яратди. Тайинли иш (ўқиш) жойи бўлмаган болада эса бесаранжомлик, сабрсизлик, уй вазифаларига масъулиятсизлик билан қараш ва уларни тўлиқ тайёрлаш маслиҳатларига одатланиш пайдо бўлади.

Кўпинча бошланғич синф болалари катталарга мураккаб масалаларни ечиш, қийин сўзларни тушунириб беришда ёрдам сўраб мурожаат қиладилар. Бундай ҳолатлар катталар асло боланинг ўрнига ўзлари уйга берилган топшириқларни ёзма равишда бажариб бермасликлари керак. Баъзи ота-оналар ёки ака-опалар фақат арифметика мисоллари у ёқда турсин, кичик иншооларни ҳам тайёр ҳолда ёзиб бериб, бу билан болани эртанги дарсда ёмон баҳо олиш ёки қизаришдан сақлаб қолмоқликни истайдилар. Ваҳоланки, бу билан боладаги мустақил фикрлашга тўсиқ қўйганларини тушунмайдилар.

Баъзи ота-оналар боланинг олдида ўқитувчини паст баҳо қўйганликда ёки умуман, мактабни турли масалаларда асоссиз айблайдилар. Ва бу билан боланинг ўқитувчисига бўлган ҳурматини туширадилар ҳамда мактабдан сову-тадилар. Ёки қарама-қарши ҳаётий бир мисол:

Бир хонадонда она-боланинг олдида унинг кексайиб қолган ўқитувчисини “кампир” деб бир неча бор такрорлаган, бола бир ҳафтагача онаси билан гаплашмай кўяди ва ўзининг биринчи ўқитувчисига бўлган ҳурматини исбот қилади.

Шунингдек, бола ёмон баҳо олиб, руҳан эзилиб уйга қайтганда, ота-она уни айбламасликлари ёки жазоламасликлари лозим. Баджаҳл ота қўлига тасма олиб болани урган тақдирда, энди у кўрқувдан келгусида оладиган ёлгон баҳосини беркитишга, қийин бўлиб туюлган дарсларга кирмасликка, турли хил ёмон сўзлар ишлатишга, кундалик дафтардаги ёмон баҳоларни ўчириб ўзгартиришга, охир-оқибат уйдан қочишга ҳаракат қилиши мумкин. Энг муҳими, асосий муаммо ўз ечимини топмасдан қолаверади. Аксинча, болага ёмон баҳо қўйилган вазиятни ҳам тўғри тушунириш, руҳини туширмаслик лозимлиги, аҳволни тўғрилаш учун нима қилиш кераклигини ётиги билан аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш керак. Болага баҳо учун эмас, балки мустақкам билим олиш, келажак ҳаёти учун ўқиши зарурлигини ўқитириш керак. Бунинг учун китобга меҳр қўйиш, дарсда ўқитувчининг сўзларини диққат билан тинглаш, тушунмаганларини сўраб олиш, уй вазифаларини ўз вақтида тўлиқ бажаришга ўрганиши лозимлиги айтилади.

Боланинг мактабдан қайтган, уй вазифаларини бажаришида ота-онанинг унга ёрдам кўрсатишининг қўллаб-қувватлаш мавжуд. Лекин энг маъқули, боланинг мустақил фикрлаш, тасаввур этиш, ўқиш билан боғлиқ қийинчиликларини енгиш ва ақлий меҳнатга бўлган эҳтиёжини ўйғотадиган усуллардир.

Маъмура ҚОСИМОВА,
педагог-психолог

БИРИНЧИ СИНФ БОЛАСИ

унга қандай муносабатдасиз?

сиз табиат, одамлар, уларнинг меҳнати, “нима яхши ва нима ёмон”лиги ҳақида), балки унинг яхши халқ хулқ-атворини ҳам инobatга олишингиз керак. Болани мактабга психологик жиҳатдан тайёрлашда ўқиш, ҳисоблаш ва арифметик масалаларни қандай ечиш муҳим аҳамиятга эга. Агарда бола масаланинг маъноси, сонларнинг аҳамиятини тушунадиган бўлса, бу фойдалидир. Акс ҳолда куруқ ёдлаш зарарлидир.

Мактаб дастурини ўзлаштиришда болалардаги билим ва малакадан ташқари унинг ўқув фаолияти, даражаси ҳам аҳамиятлидир. Бу жараён ўқувчиларда узоқ муддат давом этади. Айниқса, ҳеч нарсага қизиқмайдиган болалар ўқишда кўп қийинчиликларга дуч келадилар, яъни уларда интеллектуал сусткашлик кузатилади.

Мактабга чиқаётган бола атрофмуҳит ва вақтни тўғри англай олиш, воқеликни англай билиш, солиштириш, фикрлаш, хулосалар чиқариш, ҳодисалар сабабини топиш каби қобилиятларга эга бўлиши лозим.

Болани мактабга психологик тайёрлаш унинг шахсий сифатларини ҳам ўз ичига олади. Бу орқали синфдаги тенгқурлари ва катталар билан ўзаро муносабат ўрналади, дўстлар орттиради. Унинг мактабгача бўлган даврда кўчадаги ўртоқлари билан бўлган муносабатлари ўқув жараёнида қўл келади. Катталар ҳам ўз ўрнида болага ёрдам беришлари, унинг ютуғидан қувониш ва муваффақиятсизлигида ҳамдард бўлиш орқали уни рағбатлантиришга ундайдилар. Уни тушуниш учун ушбу ёшда бо-



Ruhshunos maslahati

дингми?” каби саволларни тез-тез беришлари керак ва бу билан уни диққат қилишга ундаган бўладилар.

Маълумки, диққат ихтиёрий ва ихтиёрсиз (мактабгача ёшдаги болаларга хос) бўлади. Ихтиёрлиқ диққат мактабда ўқитувчи томонидан сингдирилади ва бу жараён узоқ муддат қийинчилик билан кечади. Айрим ота-оналар болаларининг бесаранжомлиги, фикри тарқоқлиги, хотираси сустлиги, сабр-тоқатсизлигидан тезда нотўғри хулоса чиқариб, хавотирга тушадилар ва невропатологга мурожаат қиладилар. Аслида эса бу даврда ҳаяжонланиш учун жиддий сабаблар йўқ. Узоқ муддат мобайнида диққатини бир жойга жамлаб ўтиришнинг мушкуллиги бу ёшдаги болалар учун хосдир. Агарда сиз боланинг диққатини машқ қилдириб борсангиз, ундаги фикр тарқоқлиги йўқолиб боради. Шунингдек, бошланғич синф болаларидаги диққат доирасининг тор бўлиши ҳам характерлидир. Масалан, боланинг бувиси ундан хат ёзишни сўрайди. Бунинг учун бола қоғоз ва

лиги катталарнинг хунобини оширади. Диққат эса ўз ўрнида хотира билан чамбарчас боғлиқдир. Кўпинча “Мен уйга берилган вазифани эсимдан чиқарман” деган жавобни эшитиш мумкин. Ота-оналар бу билан болани ўқитувчи уйга топшириқ бераётганида диққатсизлик қилганига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Одатда катталар “ёш болаларни хотираси кучли бўлади, улар ҳамма нарсани тез эслаб қоладилар” деб ҳисоблайдилар. Аммо бошланғич синф ўқувчилари бирон бир — дарс вазифасини ўзлаштиришда одатда уни сўзма-сўз қабул қилиб, ёддан айтиб беришга ҳаракат қиладилар. Гарчи бу толиқтиривчан бўлса ҳам, улар учун осон йўлдир.

Ҳўш, болада ўқишга бўлган қизиқини қандай уйғотиш мумкин? Ўқиш жараёнида унга қандай қилиб ёрдам бериш керак? Дарсларга бўлган истак-хоҳишини кучайтириш йўллари қандай? Бу каби саволлар доимо ҳар бир ота-онада тугилади ва буни тўғри тушуниш мумкин, чунки ҳамма ўз боласининг мактабда яхши ўқишини истайди.

Афсуски, кўпчилик ота-оналар болаларнинг баҳо учун ўқишларига қизиқадилару, ҳақиқий билимни қанчалик ўзлаштирилганликларини назардан қочирадилар. Маълум бир маънода бу ҳам тўғри, баҳо ўз ўрнида аҳамиятли, лекин ҳаётда бу асосий мезон бўлиб ҳисобланмаслигини тан олиш керак.

Бошланғич синфга борган бола ўтилган дарс материалларини такрорлаш, уй вазифаларини бажариши учун оилада албатта дарсхона ажратиб берилиши зарур. Бу болада диққатни жамлаш, масъули-

сифатли бажарилади. Ўтган йилларда ўқувчиларнинг 20-23 фоизигина спорт билан шуғулланишган бўлса, бу йилги саяё-ҳаракатлар натижасида 37 мингдан зиёд ўқувчиларнинг эллик фоиздан кўпи янги ўқув йилидан бошлаб замонавий спорт секция ва тўғарақарида ўзлари истаган йўналишда доимий машғулларда иштирок этиши учун имконият яратилди.

Шу билан бирга, янги ўқув йилида дарсликлар муаммоси келиб чиқмаслиги борасида ҳам чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўқувчиларни ижара тизими асосида дарсликлар билан таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Мактаб остонасига илк қадам қўйган болакайларнинг барчаси Президент совгалари билан таъминланди.

Болаларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб улғайишлари учун яратилаётган бундай шарт-шароитлар жуда зарур, албатта. Лекин яна бир муҳим нарса, яъни ўқитувчиларнинг таълим бериш савияси ҳам туман халқ таълими бўлимининг доимий эътиборида. Ўқитувчиларнинг билим ва малакаларини ошириб бориш билан бирга тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиликлардан уларнинг доимий хабардор бўлиб боришлари-га ҳам зарур шароитлар яратилган.

Норгул АБДУРАИМОВА

БОЛАЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Фарзанд — умр чироғи, дейишади. Дарҳақиқат, болалар ҳаётимиз давомчиси, келажакимиз умиди. Қолаверса, бугун ҳаёт остонасидидаги навниҳол дилбандларимизни қанчалик авайлаб, бақувват илдириштиришга замин яратсак, эртага кўзимизни шунчалик қувонтира оладиган, орзуимиздаги натижаларга эришамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда болалар камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Фахр билан сўзлашга арзиғулик ишлар бисёр. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, фарзандларининг ҳар томонлама камол топишга интиляётган ота-оналар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди. Бугунги замондошларимиз боласини дуч келган боғча ёки мактабга эмас, балки энг яхшисига беришга интиляётгани қувончи ҳол. Шу боисдан бугун ҳар бир таълим муассасаси ана шу талабга мос бўлишга интиляётгани улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратаяпти. Бу эса, тизимдаги муваффақиятлар калити бўлиб қолиши, шубҳасиз.

— Ҳозир ота-оналар мактабнинг ташқи

қийфасидан тортиб, ундаги ҳар бир шарт-шароитгача жиддий эътибор берадилар, — дейди биз билан суҳбатда Ҳамза тумани халқ таълими бўлими мудири Лазиз МАҲКАМОВ. — Шунинг учун туманимизда янги ўқув йили ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги байрамини муносиб қутиб олишга тайёргарлик борасида қизғин иш олиб борилди. Кечагина мактабларимизда кўнгилларни юксак орзулар сари чорловчи кўнгиноқлар жаранглади. Тумандаги мавжуд 30 та мактабда бу сурурбахш лаҳзалар ўзига хос кўтаринки руҳда ўтди. Чунки мактабларда таъмирлаш ва пардозлаш ишларида нафақат мактаб жамоалари, балки шаҳар ва туман ҳокимликлари, турли ташкилот ва идоралар, ҳатто ота-оналар ҳам фаол иштирок этиб, ўқувчиларнинг озода ва шинам, ҳар томонлама қўлай синф хоналарида таълим олишлари учун 90 миллион сўмга яқин маблағ сарф этилди.

Бу йил айниқса, таълим муассасаларида ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишлари

учун янада яхшироқ шароит ва имкониятлар яратишга катта эътибор қаратилди. Зеро, спорт мустақил давлатимиз довуғини дунёга таратишда ва халқ орасида соғлом турмуш тарзи қарор топишида улкан рол ўйнаётди. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби мусобақалар мамлакат спорт ҳаётида мустақил ўрин эгаллади. Президент Исрол Каримов ташаббуси билан яратилган, ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбиялашнинг ноёб уч бўғинли тизими Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишининг стратегик муҳим қисмига айлан-ди.

Бугунги кунда фарзандларимизни ҳар томонлама ривожланган инсонлар қилиб тарбиялаш, спортни оммавий, умумхалқ ҳаракати-га айлантириш гоёт муҳим вазифалардан. Негаки, ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамоллик инсонга олижаноб шахс бўлиб ети-шишда ёрдам беради. Шунинг учун ҳам Ҳамза тумани мактабларидаги спорт заллари ва спорт майдончаларини таъмирлаш ишлари

GO'ZALLIK OLAMIGA SAYOHAT


Atoqli turk bolalar shoiri Ali Oqbosh «Qush sufrasi» nomli kitobida shunday so'zboshi yozgan:

«Sevgili bolajonlar!

Mana sizga bir dasta she'r. Men yozdim, yoqtirsangiz o'qirsiz, yoqtirmasangiz, bering qushlarga, qaytarib bizga keltirsinlar. Aslida men bu she'rlarni yozarkanman, kimlar o'qiyajagini hech o'ylamadim ham. Qo'limdan kelganicha go'zal yozishga intildim. Bolalar uchun yozilgan asarni kattalar ham sevib o'qiyolmasa, u asar yomon asardir. Unutmaylikki, "aldagani bola yaxshi" deb bolalarni aldaganlar, aslida o'zlari aldanadilar.

Bugun Qo'rquq ota hikoyalari, Don Kixot, Shahzoda, «Kalila va Dimna», «Ming bir kecha» ertaklarini go'zal asarlar bo'lganligi uchun bolalar ham, kattalar ham sevib o'qiydilar.

Mening she'rlarimni o'qirkansiz, siz tushuna olmaydigan ba'zi so'zlar uchrashi mumkin, ularni onangizdan so'rarsiz,



o'qituvchingizdan so'rarsiz, lug'at kitoblariga qarab, bilib olarsiz... Zotan, kitoblar faqat biz bilgan narsalarni yozaversa, u holda o'qishning nima keragi bor? Bizni tadqiq qilib o'rganishga majburlaydigan asarlar ulg'aytiradi.

Sizga yangi zavqlar, yangi hissiyotlar bera bilsak yoki sizning boy ertak dunyoingizga biror rang qo'sha bilsak, sevinamiz.

Ali Oqbosh».

Bu so'zlardan siz turk shoirining qanday ijodkor ekanligini his qilgandirsiz. Bunga qo'shimcha qilib shuni ayta olamizki, bu shoir ijodida ko'z ilg'amas go'zalliklar e'tiborimizni tortadi, shoir sodda til bilan turli-turli ohanglarda teran hissiyotli she'rlar bitadi. O'rinsiz she'riy bezaklarga va dabdabali so'zlarga diqqat bermaydi. Uning she'rlariga xos ichki madaniyat, go'zal odob, chuqur insoniy hasrat o'quvchini befarq qoldirmaydi, jiddiy xayolot olamiga yetaklaydi.

Ali Oqbosh Turkiyaning Morobo degan qishlog'ida 1941-yilda tug'ilgan. Istanbul universitetining Adabiyot kulliyotini bitirgan. «Masal chog'i» ("Ertak aytish mahali"), «Qush sufrasi», «Ko'kda oy po'rtaxoldir» kabi o'nga yaqin kitoblar muallifi. Bir necha yil davomida «Qanot» jurnaliga yetakchilik qildi. Hozir Anqara universitetida turk tili va adabiyotidan dars beradi. Uch farzandning otasi.

Miraziz A'ZAM

ALI OQBOSH

BOLA DUOSI

To'y bo'lar, o'lan bo'lar,
Tushda ko'rganim bo'lar.
Shu yozda yo shu qishda
Xuddi ko'rganday tushda,
Ayrilar tutashar,
Johillar tutashar,
Kasallar sog' bo'lar,
Bo'z qirlar bog' bo'lar.
Fasl o'tar bir necha.
Qirq kunduz-qirq kecha.
Bir ulug' shodlik bo'lar,
Turmush obodlik bo'lar,
Har dalaga suv yetsa,
Chaqaloq yurib ketsa,
Qissalar o'tli bo'lar
Sigirlar sutli bo'lar,
O'lkamiz baxtli bo'lar,
Kechangiz qutli bo'lar.



TO'LINOY

Xoh ishonma, xoh ishon,
Bu hol ko'nglim g'ashladi:
Tog'li qorlar ortidan
Pusib kelib bir tovshan
Oyni yeya boshladi.

Voy,
Sho'rlik oy,
Holi yo'q kularga...
oyga bir bola bo'lar —
Kichraya-kichraya bir hilol bo'lar,
Kundan-kunga sarg'ayib so'lar —
Cho'kar suvlarga...

Tog'lar ham cho'kdi jarga,
Qorong'ida bo'g'ildi.
Shunda qora ufqda
Yangi bir oy tug'ildi.
Ur-ra-a-a!

UCH KUMUSH PAT

Mavsum bahor,
Shamol janubdan,
Suvlar sarxush,
Dolg'alar notinch.
Bir qirg'oqda
U kun ikki qush
Olishdilar:
Chag'alay,
Lochin.
Qorday oppoq edi
Chag'alay,
Yaratilgan edi
Ko'pikdan.
Lochin esa
Qop-qora edi,
Kelgan edi
Tik qoyalikdan.
Olishdilar
Yo'qotib boshin
Chag'alay,
Lochin.



Qirg'oq moviy edi,
Qubbalar samoviy.
Chag'alay chiroyli,
Lochin yovvoyi.
Uchdilar
Qubbalar-kamarlar
Orasidan
Chag'alay,
Lochin.

Ammo kun botarda
Olovlandi suvlar,
Qanotlari yondi qushlarning,
Lochin tog'larga qochdi,
Chag'alay suvga toldi.
Qirg'oqda uch pat qoldi,
Uch kumush pat.
Bu shunday bir ertak edi
Chag'alay,
Lochin.

MEN KO'RDIM

Shunday daraxt bo'larmi, deysan.
Ammo men ko'rdim:
Yarmi yashil edi va yarmi

safsan, —

Ustida kaltakesak o'tirardi jim.

Shunday qush ham bo'larmi,
deysan.

Ammo men ko'rdim:
Ko'kni yirtdi qizil tumshug'i bilan
Dali shamol kezarkan sarson.

Shunday gap ham bo'larmi,
deysan.

Ammo men ko'rdim:
Sharf deb o'ylab kamalak bilan
Bir sho'x taka
Bo'ynin o'radi.

Shunday ish ham bo'larmi, deysan,
Ammo men ko'rdim:

Qish edi — qoplangan har yon
qor bilan —
Odam gul sindirdi va qo'li kuydi.



LAYLAKLARNING QO'SHIG'I

Saljuq UYSALga

"Asad oyi uchar-ketar laylaklar"—
Yo'llari qutli bo'lgay.
Kim biladi toki qaytguncha ular
Kim o'lgayu, kim qolgay.

Qor yog'ib erib ketgay,
Chaqaloq yurib ketgay.
Buvim,
Buvim ehtimol ketgay
Qushlar qaytgan diyorga.

Laylaklar,
Ulug' qushlar,
Ne bo'lur, qator-qator
Ketganlarni keltiring
Qizil tumshug'ingizda.
Ular balki yasharlar
Olisdagi yulduzda,
Keltiring shu bahorga.

QIR MAKTABI

Mavsumu kunni farqlashni,
Xasu cho'pdan in yasashni,
Polaponiga qarashni
Qayerdan o'rganmish bu qush?
Qir maktabida o'qimish.

Qizil, moviy, yashil, sariq
Guldan gulga kezar ari,
Tevarak tog',
Minglab so'qmoq,
Bir yon cho'qqi.
Bir yon inish —
Qaydan bilar u, yo'llarni?
Qir maktabida o'qimish.

Yurgandik o'rgimchak qurt deb,
U, qiziga to'qirkan sep.
Ilmoqli Chin ignasi-da
Qaysi dastgohda to'qimish?
Qir maktabida o'qimish.

HAZIL

Ko'lga cho'kdi bir bulut,
Chiqar, oftobda qurit;
Boshiga o'rar buvim —
Zoye bo'lmasin tivit...

Chiqardik tortib hozir.
Ko'k yirtilsa, yamadik,
Yer yorilsa, uladik,
Soyalarda savashdik —
Kuchimizni sinadik...

Inonma, bari hazil.
Dalaga tuz ekkanmiz —
Barini biz ekkanmiz.
Qo'riganmiz pashshadan —
Azobini chekkanmiz.

Endi bog' qildik axir.
Tik qoyada bir ko'ppak
Dumida bitta chelak,
Goh u yoqqa dumalab,
Goh bu yoqqa dumalab
Ketmoqda taqir-tuqir,
taqir-tuqir,
taqir-tuqir...

Turkchadan Miraziz A'ZAM
tarjimasi.



ИЛМИЙ КАШФИЁТЛАРДАН ХАБАРДОР БЎЛИНГ

2003 йил 4-сонини нашрдан чиқарди.

Журналнинг ушбу сонидида чоп этилган фалсафа фанлари доктори Т.Маҳмудовнинг "Илм — кашфиёт демакдир" номли мақоласида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари, химоя қилинаётган диссертацияларнинг методологик жиҳатдан ислоҳ қилиниши, тадқиқот натижалари илмий кашфиёт бўлиши тўғри-

сидаги муаммолар кўтарилган.


Илмий ва илмий-педагог кадрларни давлат аттестацияси-дан ўтказишда ошкораликни, талабчанликни ошириш, аттестация органлари томонидан ҳа-толар бошқа такрорланмаслиги учун ОАК Раёсатининг қарорига асосан рад жавоби берилган ишлар ҳақида маълумотлар бе-рилган.

Шунингдек, Республикада фаолият кўрсатаётган 112 та их-

тисослашган кенгашлар ҳақида-ги маълумотлар келтирилган.

Ёқланаётган диссертациялар тўғрисида республика илмий ва илмий-педагогик жамоатчили-ки кенгрок хабардор қилиш мақ-садида журналнинг ушбу сонид-да 17 та докторлик ва 85 та ном-зодлик диссертацияларининг ҳимоялари ҳақидаги ахборот-лар, диссертацияларнинг қисқа-ча мазмуни билан биргаликда эълон қилинди.

Бюллетен саҳифаларида ре-спубликада бажарилаётган дис-сертация ишларининг мавзула-ри тўғрисидаги маълумотлар ҳам берилган.



нади. Аввало, унинг ташқи кўриниши диққатингизни тор-тади. Саҳифаларига кирган материаллар содда, тушунар-ли, сўнги ўн йилликларда эришилган илмий-назарий маълумотларни ўз ичига ол-ган. Иигирма беш бобдан ташкил топган асарда атом тузилиши, даврий қонун ва унинг даврий системаси, электр кимёвий жараёнлар, координацион бирикмалар, элементлар ва улар бирик-малари кимёси тавсифлан-ган. Алоҳида бобда кимёнинг экология билан боғлиқлиги, уни яхшилаш йўллари, мам-лакатимизда олиб борилаёт-ган муҳим ишлар, қабул қилинган қарор ва қонун-лар билан таништирилади.

УЧ МУАЛЛИФНИНГ БИР ДАРСЛИГИ

Техника олий ўқув юртла-рининг деярли барчасида би-ринчи курс талабаларига ум-ий кимё фанидан дарс ўти-лади. Мазкур фан кимё йўна-лишидаги билимлар асоси-ни ўз ичига олади, қонуният-ларни таърифлайди, табиат-да рўй берувчи ўзгаришлар-ни тушунтиради, турли реак-циялар ҳақида, элементлар ва уларнинг минг-минглаб бирикмалари тўғрисида маъ-лумотлар беради.

Тошкент кимё-технология институти ўқитувчилари — кимё фанлари доктори, про-фессор Қудрат Аҳмеров, тех-ника фанлари доктори, про-фессор Рамзитдин Сайфут-динов ва техника фанлари номзоди, доцент Абдухалил Жалиловнинг "Умумий ва аноганик кимё" номли дар-слигини "Ўзбекистон" на-ширети катта ададда на-шрдан чиқарди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Кимёвий технология, озиқ-овқат технологияси" ва шу каби бошқа йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёр-лаш учун дарслик сифатида тавсия этган бу китоб кутуб-хоналарга тарқатила бош-ланди.

Дарсликни варақлар экан-миз, унинг дид билан тайёр-ланганлиги, илгариги нашр қилинган китоблардан катта фарқи борлиги кўзга ташла-

Янги дарсликнинг илгари-гиларидан яна бир фарқи шундаки, унинг ҳар бир боби охирида такрорлаш учун ма-териаллар, машқлар, тест саволлари, бобни ўрганиш-дан мақсад, унинг қисқача мазмуни ва мисоллар кел-тирилади. Зарур бобларда материаллар жадвал маълум-отлари билан тўлдирилган. Бобларда Ўзбекистон кимё-гарлари бажарган илмий ишлар ҳақидаги маълумот-лар билан танишиш имкони-яти ҳам бор. Ватанимиз за-ҳира бойликлари, улардан келажакда амалий фойдала-ниш ва иккиламчи маҳсулот-ларни ишга солишга аҳами-ят берилган. Уйлаймизки, бундай ёндашиш ёш кадр-ларни ўз танлаган соҳаси бўйича тўғри ва мақсадли йўналтиришга ундайди. Дар-сликнинг турли расм, схе-ма, график ва жадваллар билан тўлдирилганлиги унинг қимматини тағин ҳам оши-ради.

Ўқувчи мавзуларни тўла-тўқис етказиш, ғализ ва му-раккаб жумла ҳамда форму-лаларни соддалаштиришда нашриёт бўлим мудири Ман-губерди Сағдуллаев, муҳар-рирлар Р.Тоирова, Н.Иноя-това ва бошқаларнинг хиз-матини ҳам алоҳида айтиб ўтиш керак.

Х.ТҲЙМАНОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси "ОАК Бюллетени" журналнинг

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Зулфия номидаги Давлат му-кофоти совриндори Малика Раҳмонбекованинг "Эртақлар — яхшилиқ етаклар" кито-бини нашр этди. Китобга кич-ик ёшдаги болаларни одоб, ахлоққа ўргатиш, табиатни севиш, меҳнатсевар бўлиш каби фазилатларни эгаллаш-га ўргатувчи 36 та мазмуни эртақлар киритилган. Ёш му-аллиф кичкинтой ука, сингил-ларига "Митти юлдуз", "Ша-мол ботир", "Най", "Узун те-рак" каби қизиқ эртақларни ўз қузатувлари, фикр қилиб ўйлаган яхши орзу, истак-лари асосида ишонарли қилиб ифодалашга интилган.



УЧИНЧИ БОР НАШР ЭТИЛДИ

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти саломатлик билан қизиқувчи барча кишилар, тиб-биёт олийгоҳи талабалари, шифокорлар учун жуда керакли ва зарур қўлланмалар, дарсликлар нашр этиш билан шуғулланишини ҳамма билади.

1993 йили мазкур нашриёт "Хирургик беморлар парвариши" дарслигини чоп этган эди. Китоб тез орада ўз ўқувчиларини топди. Дарсликнинг иккин-чи нашри кўпгина талабалар, китобхонлар ҳамда муаллимларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиб тайёрланди. 1995 йилда қайта нашр қилинган дарслик яна тез тарқалди.

Ва, ниҳоят "Хирургик беморлар парвариши" дарслиги учинчи бор нашр этилди.

Китобнинг биринчи боби хирургия ва хирургик беморлар парваришида деонтологиянинг аҳамияти тўғрисидаги бўлим, умумий тиббий деонтология, этика ҳақидаги кенг қамровли материаллар билан бойитилганлиги, касалхона-да овқатланишни ташкил қилиш ҳақидаги бўлимга замонавий диетология (па-рҳезлар)га оид маълумотлар киритилганлиги билан аввалги нашрлардан аж-ралиб туради.

Дарслик ўн бир бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб маълум бир касаллик-ларни даволаш, парваришга бағишлангандир. Дарсликда хирургик бе-морлар парвариши, урологик, онкологик, куйиш касаллиги, стоматологик, травматологик ва бошқа касалликларнинг парвариши алоҳида-алоҳида боб-ларда тилга олинган.

Ҳар қандай касалликни даволашда бемор парвариши муҳим ўрин тутди. Парвариш деганда бемор аҳолини енгиллаштиришга ва даволашнинг муваф-фақиятли чиқиб кетилишига қаратилган тадбирларни тушуниш лозим. Бу тадбирлар касалликнинг тури ва табиатидан қатъи назар умумий ва муайян бўлиши мум-кин.

Дарслик муаллифи Баҳром Турсунов китобнинг кириш қисмида "Даволаш ва парвариш" тушунчаларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас, чунки улар бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисини тўлдириб туради ва битта мақсадни кўзда тутди, дейди.

Китобда шунингдек, тиббиёт институти тала-баларига амалиётлари давомида керак бўлади-ган турли хил маслаҳатлар ва улар бажарадиган вазифалар айтиб ўтилган.

Ушбу ўқув адабиётини Ўзбекистон Республи-каси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тиб-биёт институтлари талабалари учун дарслик си-фатида тасдиқлаган.


Шарифа МАДРАҲИМОВА

ЭРТАҚЛАР ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Кичик ёшдаги болалар жуда таъсирчан бўладилар. Эртақда талқин этилган гоёларга эътибор қилсангиз, у жажжи ўқувчиларни ростгўй, қўрқмас ва иродали бўлиш-га чорлайди. Эртақларда болаларнинг завқини оши-рувчи воситалар муаллиф томонидан қизиқарли ми-солларда ифодаланган.

Китобда расмлар ҳам берилган. Болалар улар воси-тасида ҳар бир эртақнинг мазмун ва моҳиятини яхши ўқиб оладилар. Лотин ёзу-вида асосланган янги ўзбек алифбосида чоп этилган ушбу китоб фарзандлари-миз учун муносиб совға-дир.

Насиба ЭРХОНОВА



МУАЛЛИМА ҲАҚИДА ҚИССА

Адиба Маҳбуба Холова "Вафо қўшиғи", "Бардош", "Хаёт сабоқлари", "Тилла узук моҳароси" деб номланган ҳикоя ва қиссалар тўплами билан танилиб қолган. Яқин-да унинг "Садоқат" номли ҳужжатли қиссаси ҳамда "Хиёнат ва муҳаббат" турку-мидаги қисса ва ҳикоялари "Бухоро" нашриётида чоп этилди.

"Садоқат" ҳужжатли қис-саси Ғиждувон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мак-табининг олий тоифали та-рих фани ўқитувчиси, "Катта ўқитувчи", халқ маорифи аълочиси Олия Турдиеванинг сермашаққат, вафо ва са-доқат билан йўрилган ҳаёти ҳақида бўлиб, адиба ширали тил билан муаллимнинг бо-шидан кечирганларини қоғоз-га туширган. Иродали аёл, икки фарзанд — уч ёшли Одилжон, бир ёшли Олим-жоннинг онаси Олияжоннинг турмуш ўртоғи Неъматжон 26 ёшида разолат ва жаҳолат қурбони бўлиб, оилада му-сибатли кунлар бошланади. Котиллар топилиб, суд қилинган, қайнотаси Олияжон ва унинг икки ўғлини ҳам фарзандлари қаторида қўриб, уларга кўп меҳрибонликлар кўрсатади. Қайта турмуш кўрмай ўтган Олияжон бутун умрини мактабга бағишлаб, бир қатор унвонларга сазо-вор бўлади. Аммо... Бу ҳаёт-да, муаллима бир оғиз гапи туфайли "уйламай гапирган" дея айбонлиб, ҳайфсан ола-ди. Бари ортда қолиб, ҳозир-ги кунда ўғил ва келинлари, набираси Неъматжон, Жаҳон-гирлар даврасида шод-хур-рам яшаётган аёлнинг умр

йўли билан танишар экансиз, унга тасаннолар айтингиз келади. "Ўғилларим кўзимга нур, юрагимга қувват, руҳи-ятимга тетиклик бериб, эъзозлаб келмоқдалар. Мен-га бундан ортқ яна нима керак?" дея шукроналик бил-лан яшаётган муаллима ҳақидаги бу китоб кўпчили-ка манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

"Хиёнат ва муҳаббат" ("Бухоро" нашриёти, 2003) тўпламидаги "Маломат тош-лари", "Қасос" ҳикоялари му-ҳаббат, оила мавзуларида ёзилган. Манманлик, гурур туфайли оиласини, Султон-бекни тарк этган Назмигул-нинг изтироблари, соғинчдан гурурнинг ғолиб келиши ту-файли икки ёшнинг ажралиб кетиши, кундоши Гулсумдан ўч олиши, ниҳоят гурур оти-дан тушиб оиласини тикла-ши — аёлнинг бир неча бор ўзгариши табиий ва ишонар-ли берилганки, ҳикояларни мириқиб ўқийсиз.


Адибанинг "Тарбия ҳақида ўйлар" рукнида келтирилган ҳаётий воқеалари, ўз боши-дан кечирганлари китобхон-ни ҳалоллик, поклик, тўғри-лик сари етаклайди. Адиба шундай ёзади: — Айтган-ларим ва ёзганларимни ўқиб, болаларнинг кўнгилларидаги ҳалоллик, меҳр-шафқат, ода-мийлик туйғулари ўсса, ел-калариди Раҳмон бақувват бўлса, дейман.

Ушбу ниятда ёзилган ма-қолалар, айни вақтда кито-бда келтирилган ҳажвиялар- ("Кўнгли тоза одам", "Ўзим айлана", "Ғаройиб нотик")-ни сиз ҳам бир ўқиб кўринг.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

Содиқжон Алихоннинг педагогика институтлари ва университетларнинг математика факультетлари, шунинг-дек, мактаб ўқитувчилари учун қўлланма сифатида ик-кинчи марта нашрдан чиққан "Математика ўқитиш ме-тодикаси" (Тошкент: "Ўқитувчи", 2002) давлат дастури асосида ёзилган бўлиб, унда методик тизимнинг барча компонентлари (мақсад, мазмун, шакл, метод ва воси-талар) математика таълими жараёнида ўқувчиларда му-стақил тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари томон йўғрилган.

Қўлланма таркибан сўз боши ва етти бобдан ибор-рат бўлиб, унда математик таълим мақсадлари, мате-матик жумла (тушунча, ҳукм, хулоса)ларни баён қилиш методикаси, концептуал ва операционал билимлар уй-ғунлиги, ўқувчиларда математик тафаккурни шакллан-тириш ва ривожлантириш йўллари, шунингдек, мактаб математика курсида сон, айний шакл алмаштиришлар, тенгламалар ва уларнинг системаларини ўрганиш ме-



Математика ўқитиш методикаси ўзининг предмети, илмий-тадқиқот методлари ва ғоявий йўналишларига эга бўлган мустақил фан сифатида қаралган, методик муаммоларни ҳал қилишда янги таълимий ғоялар (ин-сонларварлаштириш, демократлаштириш, таълимни шахсга йўналтириш), давлат таълим стандартлари, бо-шқа фанлар соҳасида қўлга киритилган илмий-тадқи-қот натижалари асос қилиб олинган, ўқув материални баён қилишда тизимли ва фаолиятли ёндашувларга таянган, қўлланмада узоқ йиллар мобайнидаги шах-сий педагогик тажрибалар, илғор ўқитувчилар ва тадқ-иқотчиларнинг методик тавсиялари ўз ифодасини топ-ган, математика таълимида эвристик методга ало-ҳида эътибор берилган.

Фикримизча, қўлланманинг кейинги нашрларида ма-тематикадаги мазмуни-методик йўналишларнинг бар-часини эътиборга олиш, айниқса, математик таълимида

ҲАМ НАЗАРИЯ, ҲАМ АМАЛИЁТГА ЙЎҒРИЛГАН ДАРСЛИК

тодикалари батафсил баён қилинган.

Маълумки, "Нимани ўргатиш керак?" деган савол математик таълим (билим, малака, кўника, фаолият усуллари) мазмунини аниқлаштириш-ни талаб қилади. "Қандай ўргатиш керак?" деган саволга жавоб эса ўргатиш методлари, воситалари ва шакллари таълим назарда тута-ди. Ва хуллас, "Нима учун ўргатиш керак?" деган савол изланувчиларни математик таълим мақсадларини ойдинлаштиришга ундайди. Айтилган-ларнинг ўзи турли муаллифлар томонидан ҳозиргача ёзилган қўлланма-ларда жавоб турлича бўлиб келганлигини аналтади. Масалан: "Мате-матика ўқитиш методикаси" (В.М.Брадис, 1950; С.Е.Ляпин, 1955; В.В.Ре-пьев, 1960; В.А.Оганесян, 1980; А.Я.Блох, 1985), "Математика педаго-гикаси" А.А.Столяр, 1975), "Математика дидактикаси" (Н.В.Метельский, 1980) деб ўқув курсини номлашнинг ўзиёқ бу курснинг мақсад-вазифала-ри ҳали тўлақонли ойдинлашмаганлигини кўрсатади.

Ҳўш, С.Алихоннинг биз фикр билдираётган ушбу қўлланмаси шу хилдаги китоблардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

янги педагогик ва информацион технологияларнинг аҳамияти ва ўрнини очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Китоб назария ва амалиётга доир ўқув дастури доирасидаги матери-алларни ўз ичига олган бўлиб, у ҳаводан олиб эмас, балки тизимли ва фаолиятли ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда муаллифнинг 35 йиллик педагогик изланишлари, таълимнинг ноанъанавий шакллари юзасидан ўқитувчиларнинг оригинал методик топилмалари ва таълим-тарбия соҳа-сидаги қадимги алломаларимизнинг умрбоқий мерослари, шунингдек, бугунги куннинг забардаст олимлари қўлга киритган фан ютуқларига таянган ҳолда ёзилган. Қўлланма муаллифи истеъдодли тадқиқотчи, кўп ўқийди ва кўп ёзади. Шунинг учун ҳам унинг юрагидаги гаплар қоғозга туширилган.

Жўрабой ИКРОМОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими
ходими,
Машрабжон МАМАТОВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Кейинги йилларда кўплаб талаба-ёшларнинг хорижий давлатларда тахсил олиб қайтаётганлари ҳақида кўп эшитаяпмиз ва кўраёпмиз. Албатта, буларнинг барчаси истиклол туфайлидир. Лекин, мактаб ўқувчиси ҳам хорижда тахсил олиши мумкинми? Албатта, мумкин. АҚШнинг АКСЕЛС дастури бу борада ўқувчиларга кўмак бераётганига ҳам ўн йил бўлди. Шу давр мобайнида мамлакатимиз ёшларидан 500 нафардан ортиқ юқори синф ўқувчилари АҚШнинг "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" дастури бўйича океанортида ўқиб келишди.

Ушбу дастур тўлалигича АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилди ва унинг голиблари мазкур мамлакат мактабларида ўқишда ҳамда Америка оилаларида яшашади. Бу дастур 2004—2005 ўқув йили учун ҳам танлов эълон қилди. Хукмингизга ҳавола қилинаётган АКСЕЛС дастури ёрдамчиси Снежана Сахарова билан қилинган мулоқотимиз ҳам мазкур "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" дастури, унинг мақсад ва вазифалари хусусидадир.

— Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти ўзи нима?

— АҚШ сенатори Билл Бредли ҳамда АҚШ конгресс аъзоси Жим Лич ташаббуси билан 1992 йилда қабул қилинган қонун асосида иш бошлаган АҚШ ва МДХ давлатлари ўрта мактаблари ўртасидаги таълим алмашуви дастурлари ғояси давлатлар ва уларнинг халқлари ўртасида дўстлик кўприқларини қуриш иста-

ма ички ва халқаро (уйдан АҚШгача ва орқага) сафар харажатлари; ўқувчилар жамоат тадбирларида иштирок этиши ва керакли нарсалар харид қилиши учун ойлик чўнтак пули; АҚШдаги танланган мезбон оилга жойлаштириш; АҚШ ўрта мактабида ўқишга жойлаштириш; дастур билан танишиш тадбирлари, шу жумладан, дастурдан аввалги тайёрлаш ва қайта мослашув тайёргарлиги; АҚШ маҳаллий худуд-

ИҚТИДОРЛИКЛАРГА ИМКОНИЯТ

гидан келиб чиққан. Кўпгина мамлакатларда ёшлар алмашуви ҳаракати иккинчи жаҳон уруши нихоясидан буён танилган ва қабул қилинган. Ёшлар алмашувининг муваффақияти шундаки, ёшлар бошқа мамлакат ва бошқа маданиятни ўзига хос услубда ўрганишади, яъни меҳмон сифатида эмас, балки мезбон, оиланинг аъзоси сифатида яшаш ўрганишади. Мазкур услуб муваффақияти — бу алмашувнинг фақатгина давлатлар ўртасидаги муносабатларга эмас, балки юзлаб ва минглаб қатнашчиларнинг, уларнинг устозлари, мактаблари, жамоалари ва ота-оналари ҳаётларида ижобий таъсири ҳақида воқифликнинг ошиб бораётганидир. Бугунги жаҳон раҳбарларининг, миллий ва маҳаллий раҳбарларнинг кўпчилиги биринчилардан бўлиб алмашув дастурида қатнашганлар ва уларнинг барчаси бу жараённинг ўз ҳаётларида ижобий таъсири тасдиқлайдилар.

Собиқ Иттифоқ давлатлари билан ёшлар алмашуви дастури 1980 йилларда бошланган эди. Лекин талабалар ва илмий хизматчиларга мўлжалланган АҚШ ва собиқ СССР ўртасидаги алмашувлар илгарироқ, 1950 йилларда бошланган. "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" кенг кўламли, узоқ муддатга мўлжалланган мактаб ўқувчиларига аталган биринчи дастурдир. "Озодликни кўллаб-қувватлаш акти" АҚШ конгресси томонидан АҚШ халқининг МДХ мамлакатлари халқларига дўстлик қўлини узатиш учун қабул қилинди. Шу тариқа "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" ўрта мактаб ўқувчилари учун АҚШда бир йил давомида яшаш имкониятини берувчи биринчи кенг кўламли дастурни бошлади. "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" ўрта мактаб дастури Ўзбекистонда ўтган ўн икки йил давомида ҳозирги кунгача 13,000 нафардан ортиқ мактаб ўқувчисига грантлар ажратди. 2003—2004 ўқув йилида 1367 ўқувчи "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" дастури бўйича АҚШда тахсил олмақда. Ҳар бир грант олувчи АҚШ ўрта мактабида ўқиб, мезбон оиланинг аъзоси сифатида яшайди.

Этиборли жиҳати шундаки, жисмоний ногирон бўлган ўрта мактаб ўқувчилари ҳам дастурда қатнашишга таклиф этилади. Бундай ўқувчилардан тахминан йигирма нафари ҳар йили ушбу дастур орқали АҚШга таклиф этилган. Танлаб олинган ногирон ўқувчилар ва дастурнинг бошқа қатнашчилари бир хил талабларга жавоб беришади.

— Грант ўқувчиларни нима билан таъминлайди-ю, нима билан таъминламайди?
— "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" ўрта мактаб дастури гранти ўқувчиларни қуйидагилар билан таъминлайди: икки томонла-

ларида ташкил этиладиган тадбирлар; тиббий суғурта (дастурдан олдин мавжуд бўлган касалликлар ва тиш касалликларидан ташқари).

Лекин бу дастур гранти халқаро паспорт олиш харажатларини, ойлик чўнтак пули қопламайдиган шахсий харажатларни, ўқувчининг ортиқча юки харажати ёки уйга кўнғироқ қилиш (ёки электрон почта билан боғланиш) харажатларини қопламайди.

— Мазкур дастурга ким маблағ ажратади?

— Ушбу дастур АҚШ ҳукумати томонидан тўла таъминланади ва АҚШ давлат департаментининг Таълим ва маданият ишлари бюроси томонидан бошқарилади. Дастур маҳаллий даражада АҚШ фуқаролари ва ўрта мактаблар томонидан кўллаб-қувватланади. Улар ўз хоҳиши билан, ҳеч қандай тўловсиз ўқувчиларни оилаларига қабул қиладилар, ўқитадилар ва кўллаб-қувватлайдилар.

— Ушбу дастурда кимлар қатнашиши мумкин?

— АҚШ ҳукумати ҳомийлик қилган, Евроосиё демократик ислохотларни амалга оширишда кўмаклашишга бағишланган янги алмашув ташаббусига биноан, "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" дастури танлови қатнашчиларнинг қобилиятига асосланади. Танловда Ўзбекистонда 1987 йил 1 январдан 1988 йил 15 июлгача туғилган 9 ва 10-синф ўқувчилари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 1—2-курс ўқувчилари қатнашиши мумкин.

Дастурнинг ўзига хос талаблари ҳам мавжуд. Жумладан, ўқувчилар:

— ўрта мактабда ўқишлари;
— яхши ёки юқорироқ даражада ўзлаштиришга эга бўлишлари;

— илгари инглиз тили ўрганган бўлишлари (қатнашувчилар танловда қатнашиш пайтида инглиз тилини билишларини намоён қилишлари керак);

— АҚШ виза талабларига жавоб беришлари;

— Ўзбекистон фуқаролари бўлишлари ва дастурда қатнашаётган мамлакатларида халқаро паспорт олиш лаёқатига эга бўлишлари шарт;

— АҚШга жўнаб кетишдан олдин ўқиётган синфини ўзгартирган ўқувчилар дастурдан четлаштирилади.

— Дастурда кимлар қатнашиш ҳуқуқига эга эмас?

Xorijda bepul o'qishni xohlaysizmi?

— Кимки юқоридаги талабларга жавоб берадими?

— АҚШда охириги беш(5) йил ичида уч(3) ой давомида ёки кўпроқ яшаган бўлса;

— оиласи АҚШга иммиграция қилишга ариза берган, бераётган ёки беришни режалаштирган бўлса, дастурда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

— Танловда ўқувчилар қандай сараланади?

— АҚШда америкалик таълим ва халқаро муносабатлар соҳасидаги мутахассислардан ташкил топган мустақил хайъатлар голиблар ва муқобил номзодларни танлашади. Танлов тўлдирилган анкетада акс этган қобилиятларга асосланган бўлади. Анкетада ўқитувчиларнинг тавсифномалари ва номзоднинг бир йиллик алмашув дастурида қатнашишга тайёрлиги намоён бўлади. Шунингдек, ўқувчилар тиббий маълумотнома топширадилар, чунки улар алмашув дастурида қатнашиш учун соғлом бўлишлари керак.

Саралаш жараёни 2004 йил баҳорида тугайди ва барча қатнашганлар ўз мақомлари

NIS саҳифасидан олиш мумкин. 2003 йил кузидида қатнашчилар 1-босқичда фақат ягона тест марказида қатнашишлари мумкин.

Қатнашиш истагини билдирган барча ўқувчилар инглиз тилидан қисқа тест топширадилар (биринчи босқич). Биринчи тестдан ўтганлар инглиз тилидан узоқроқ давом этадиган тест топширадилар ва инглиз тилида иншо ёзадилар (иккинчи босқич биринчи босқич ўтказилган кундан сўнг бўлиб ўтади). Номзодлар иккала босқичдан муваффақиятли ўтганларидан кейин уларга охириги анкета ҳужжатлари берилади ва улар билан суҳбат ўтказилади. Биринчи ва иккинчи босқичдан ўтгандан кейин инглиз тили қобилияти саралаш учун асосий мезон бўлмайди.

(Кўшимча маълумот учун телефонлар: Тошкент: 152—12—81, 152—12—86; Самарқанд: 31—18—16, 31—22—08; Бухоро: 3—19—55, 3—79—13, Наманган: 6—27—50, 6—19—19; Нукус: 222—89—57, 222—88—67).

— Алмашув таърибасининг ўқувчи учун ижобий ва салбий томонлари хусусида нима дея оласиз?

— "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" ўрта мактаб дастури ўқувчиларга АҚШнинг халқи ва маданияти ҳақида маълумотлар олишга имкон беради. Шунингдек, мазкур дастур қатнашчилари америкаликларни Евроосиё давлатлари халқлари ва маданиятлари билан таништирувчи ёш элчилардир. Ўқувчилар ўзга маданиятларни қадрлаш ва ҳис этишни ўрганадилар, шахсий ўсиш ва мустақилликка эга бўладилар ҳамда ўзаро боғлиқлик ўсиб бораётган дунёда яшашга кўпроқ тайёр бўладилар. Ўқувчилар Америкадаги мезбон оилалар ва жамоат билан кўп ҳолларда бутун умр давом этадиган муносабатлар ўрнаташади. Кўплаб дастур битирувчилари уйларига қайтгач, нуфузли университетларда тахсил олишади ва кейинчалик Қўшма Штатларда олган билимлари асқотадиган қизиқарли ишларни топишади.

Лекин, ушбу дастур билан қизиққан ўқувчилар унинг салбий оқибатларини билишлари керак: унда ўқувчи 2005 йилги университетга (институтга) кириш имтиҳонларига вақтида етиб келолмаслиги; ариза берган университет (институт) қабул вақтини кечиктирмаслиги; 2005 йилда мактаб якуний имтиҳонларига вақтида етиб келолмаслиги; қайтганидан сўнг ўз давлати томонидан ҳарбий хизматга чақирилиши; мактабда бир йил қайтадан ўқиш талаб этилиши; мамлакатидеги мактабда олтин медал ололмади қолиши мумкин. Ўқувчилар АҚШда мактабга боришларига қарамай, ўз мактабларида ўтиладиган фанларни фарқлиги, чунки АҚШ мактаб дастури янги мустақил давлатлар мактаблариникидан бутунлай фарқ қиладди.

— Дастур ким томонидан ташкил қилинади?

— Танлов, саралаш, таништириш ва дастурнинг сафар тадбирлари билан Америка Халқаро таълим кенгаши шуғулланади. Америка Халқаро таълим кенгаши халқаро нотижорат ташкилот бўлиб, Америка билан Шарқий Европа, Евроосиё ва Болқон мамлакатлари ўртасида билимларни ривожлантириш ва алмашуви бошқаради. Унинг мақсади, билим ва илмий изланиш орқали мустақиллик ва демократик ривожланишни кўллаб-қувватлаш, раҳбарлик қобилиятини шакллантириш; шахс ва ташкилотлар эркинлигини таълим орқали мустаҳкамлашдан иборат.

Ўтган 30 йил давомида Америка Кенгаши худуддаги етакчи таълим ва ўқитиш ташкилоти сифатида шаклланди. Бу ташкилот ўрта мактаб ўқувчилари, университет талабалари, магистрлар, ўқитувчилар ҳамда профессорларга мўлжалланган ўттиздан ортиқ АҚШ ҳукумати дастурларини бошқаради.

АҚШ ҳукумати бу ташкилотлардан "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" дастури қатнашчиларини АҚШдаги мезбон оилаларга бириктириш ва бир йиллик дастур давомида маҳаллий тадбирлар ўтказишни сўрагани боис бир неча бошқа хусусий, нотижорат ташкилотлар "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" ўрта мактаб дастурини кўллаб-қувватлайдилар.

Шерали НИШОНОВ
суҳбатлашди.

тўғрисида 2004 йил май ойининг ўрталарида хабардор қилинадилар. Бироқ инглиз тилидан билим муҳим бўлса-да, бу саралашда ягона омил бўла олмайди.

Ўқувчилар натижалардан хабардор бўлишганидан сўнг голиблар, муқобил номзодлар ва уларнинг ота-оналари уларни кетишга тайёрлаш учун танишув маълумотларини оладилар. Улар "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" дастури ваколатхонасига грантни қабул қилишлари тўғрисида ёзма равишда хабар қилишлари ва сўралган қўшимча ҳужжатларни тақдим этишлари лозим. Ўқувчилар дастурга қабул қилинишган заҳоти халқаро паспорт ва АҚШ визасини олиш учун ҳаракат қилишлари керак.

2004 йил майдан августгача дастурда иштирок этиш учун танланган таълим алмашуви ташкилотлари голибларни АҚШда мезбон оилаларга бириктириб, маҳаллий ўрта мактабда ўқишларини ташкил қиладилар. 2004 йилнинг июнь ва июль ойларида грант олувчилар Тошкент шаҳридаги дастурдан аввалги танишув (ориентация) ўтадиган жойга борадилар. Шундан сўнг, 2004 йилнинг августига барча ўқувчилар АҚШдаги мезбон оилаларга борадилар ва алмашув таърибаларини бошлайдилар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, "Озодликни кўллаб-қувватлаш фаолияти" дастурида қатнашувчи ўқувчилар дастур тугаши билан Америка Кенгаши белгиланган кунда ўз Ватанларига қайтишлари шарт. Дастур қатнашчиларига берилган АҚШ визаси дастур тугагандан кейин ҳеч қандай сабабга кўра ўзгартирилмайди ва узайтирилмайди.

— Ўқувчилар мазкур дастурда қатнашиш учун қачон ва қай тарзда ҳужжат топширишлари мумкин?

— Америка Халқаро таълим кенгаши вакиллари ўн иккита қатнашувчи давлатлар пойтахтлари ва мухтор республикаларига бориб, 2003 йилнинг кузидида тест синовларини ўтказадилар. Синов марказига дастлабки рўйхатга олиш учун ўқувчилар танловда қатнаша олишини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик ҳақида гувоҳнома), яқинда ишланган 3x4 ҳажмдаги битта фотосуратлари ҳамда ручка олиб келадилар. Синов марказларининг манзиллари имкон даражасида тезроқ газета ва радио орқали эълон қилинади. Шунингдек, маълумотларни интернетда www.americancouncils.org, Programs from the

Xalqaro hamkorlik

ЎМКХТ тизими ходимлари ЮНЕСКО, ЕТТБ, Халқаро меҳнат ташкилоти, Осие тараққиёт банки, JICA каби ташкилотлар томонидан республикамиз ва хорижда ўтказилаётган халқаро анжуманларда фаол иштирок этишмоқда. Осие тараққиёт банкининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» кредит лойиҳаси доирасида вилоятларда ташкил этилган 14 та малака ошириш курслари бўйича масофавий таълим усулида 2000 нафарга яқин педагог ва муҳандис-педагог тахсил олди.

Шулар сирасида, айниқса, Япония ҳукумати 491 млн. йен миқдоридagi кредити асосида «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасининг техник ёрдам кўрсатиш дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир. Лойиҳа доирасида 50 та қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежлари раҳбарлари, ЎМКХТ Маркази бошқарув тизимидаги ходимлар, 7 та тайёрлов йўналиши бўйича 50 нафар муҳандис-педагог ва ўқув ишлаб чиқариш усталарининг Япония таълим муассасаларида малака ошириши белгиланган эди. Агрономия, ўсимликшунослик, чорвачилик, ветеринария, қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш, гидромегиорация машиналаридан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш мутахассисликлари бўйича педагоглар икки йилдан буён ўз касб маҳоратини ошириш имконига эга бўлмоқдалар.

Малака ошириш икки bosqich, тўрт турдан иборат. 2002 йил, яъни малака оширишнинг биринчи bosqichida Ўрта махсус, касб-хунар таълими Марказининг лойиҳани амалга ошириш гуруҳи, «Мониторинг ва баҳолаш» ходимларидан иборат икки гуруҳ Токиода, коллеж раҳбарларининг икки гуруҳи Миязаки префектурасида курс машғулотларини ўтадилар. Малака ошириш иккинчи bosqichининг учинчи турида коллежларнинг 27 нафар махсус фан ўқитувчилари ва ўқув ишлаб чиқариш усталари Миязаки, Таканабэ ва Мияконжо коллежларида жорий йилнинг 11 июлидан 8 августга қадар таълим олдилар.

Маълумки, Япония - Осиенинг шарқий соҳилларидаги улкан салохиятга эга, Шарқ ва Ғарб маънавияти, инсониятнинг илмий-техник тараққиётини ўзида мужассам этган, янги маданият марказига айланаётган Тинч океани архипелагидир. Япон халқининг жаҳон цивилизациясида, илмий-техника тараққиётида эришган ютуқлари, онгли фаолият жараёни, табиати, шаҳарлари, sanoat ва қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлари ва унинг натижаларини кўриб қойил қола-сиз, албатта. Илмий-техника тараққиёти японларнинг ҳозирги кунги меҳнат фаолиятининг асосини ташкил этади.

Профессор Миньва Мицхуронинг таъкидлашича, Япониянинг кейинги йиллардаги тараққиётининг энг асосий омилларидан бири, бу урушдан кейин таълим тизимида амалга оширилган ис-

лохотлардир. Япония таълим тизими Муорамачи даврида (1338-1513 йиллар) бошланган, Эдо Токио даврида эса (1603-1861 йиллар) мактаб таълими ривожланган. Дастлаб, умумий ўрта таълим мактаблари 2 турга бўлинган: юқори мартабали самурай фарзандлари ўқийдиган мактаблар ҳамда деҳқон, хунарманд кишиларнинг фарзандлари тахсил оладиган оддий мактаблар Мэйжи даврида (1868 - 1945 йиллар) бошлангич, ўрта ва олий мактаб тизимига ўтилди ва иқтидорли болаларни тарбиялаш учун ихтисослашган мактаблар ташкил этила бошланди. 1870 йилда эса таълим тўғрисида

ритилган. 1945 йилдан кейинги қонунларда мактабларда янги фанларнинг ўқитилиши, амалий фанларга эътибор ошиб, илмий ишларни юритишга катта эътибор қаратилган. 1949 йилдан бошлаб, 1956, 1960, 1961, 1964, 1970, 1978, 1989 йилларда қабул қилинган низом ва қонунлар қишлоқ хўжалик таълимининг янада такомиллашувига хизмат қилган.

Японияда ҳозирги кунда 400 та қишлоқ хўжалик коллежи фаолият кўрсатиб, уларда 110 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмақда. Қишлоқ хўжалик мактабларида ўқувчилар билимини баҳолашда уларнинг тажриба ўтка-

лик асослари», «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш», «Замонавий амалий таълим», «Муаммоларни ҳал қилиш» каби қизиқарли фанлардан сабоқ оладилар. Дарсларда ўқувчилар назария билан бирга тажриба майдончаларида кузатув ишларини олиб борадилар, тадқиқот ишларининг натижаларини таҳлил қилиб, лойиҳа ишларини бажарадилар. Натижада ўқувчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш технологияси бўйича олган билимларини мустаҳкамлаш баробарида бевосита ама-

ишнинг самарали яқунланиши учун хисса қўшадилар.

Ўзбекистонлик ўқитувчилар Японияда малака ошириш давомида уч йўналишда, яъни Таканабэ қишлоқ хўжалик коллежида агрономия, Миязаки қишлоқ хўжалик коллежида қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, Мияконжо қишлоқ хўжалик коллежида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш мутахассисликлари бўйича тахсил олдилар. Малака ошириш дарслари ЎМКХТ маркази, ЮНИКО халқаро ташкилотининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси» асосида ўтди. Ўқитувчилар Япония таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари, янги педагогик технологиялар, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологияси, машина жиҳозларидан фойдаланиш йўналишларида малака ва кўникмаларини оширдилар. Шу билан бирга, тингловчиларнинг ҳар бири ўрганган мавзулари бўйича дарс режалари, ўқитувчи ва ўқувчилар учун услубий қўлланмалар тайёрладилар.

Малака ошириш якунида ҳар уч коллежда педагогик жамоалар иштирокида ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг очик дарслари ўтказилди. Ушбу дарслар юқори савияда ўтди.

Кунчиқар мамлакатда малака ошириб қайтган ўқитувчилар Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази томонидан белгиланган таълим муассасаларида республикадаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларининг махсус фан ўқитувчилари учун ўқув семинарлари ўтказиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар. Айрим лаборатория ва амалий ишларни бажаришга мўлжалланиб, Японияда тайёрланган 35 та ўқув қўлланмаси яқин кунларда чоп этилиб, касб-хунар коллежларида етказилади. Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг Японияда тўплаган бир канча материаллари асосида 10 га яқин қўшимча услубий қўлланмалар тайёрлаш, ўсимликларни етиштириш бўйича ўрганган янги технологиялари асосида ўқув-тажриба хўжаликларидан майдончалар ташкил этиш, ўқувчиларни лойиҳа асосида илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш режалаштирилган.

Коллежларда фермерлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ҳам белгиланиб, буларда Японияда маҳсулот етиштириш бўйича ўзлаштирилган янги технологиялар юзасидан билимлар берилди.

Коллеж ўқитувчи ва ўқув ишлаб чиқариш усталарининг Япония давлатида малака ошириб қайтиши, унда олган билим, малака ва кўникмалари сўзсиз Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва уни малакали мутахассислар билан таъминлашга хизмат қилади.

Баҳодир ТОЖИБОЕВ,
ЎМКХТ Маркази бош
мутахассиси,
техника фанлари номзоди,
доцент

ЯПОНИЯ: ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ

қонун қабул қилинди. Шу даврда мамлакатда 53767 та бошлангич мактаб, 256 та ўрта мактаб ва 8 та олий мактаб фаолият кўрсатарди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Японияда таълим тўғрисида қабул қилинган янги қонун асосида 6+3+3+4 тизими яратилди. Бунда жами 9 йиллик таълимни ўзида қамраб олган 6-синфгача бўлган, бошлангич ва кейинги bosqichда 3 йил муддатли ўрта мажбурий мактаб тизими ишлаб чиқилди. Олий мактаб 3 йиллик даврни эгалласа, институт ва университетларда 4 йил давомида ўқитилади.

Ҳозирги кунда олий мактабларда жами ўрта мактаб ўқувчиларининг 95 фоизи ўқимокда.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илк мактаб 1876 йили Хокайдодо Кайтакуши-Кари-Гаккодан келган ёшлар учун ташкил этилган. Кейинчалик бу мактаб Хокайдо Император университетининг қишлоқ хўжалик факультетига айлантирилган. Иккинчи мактаб эса, 1877 йили Токиода ташкил топган бўлиб, кейинчалик Токио Император университетининг қишлоқ хўжалик факультети сифатида фаолият кўрсатган.

1883 йили Японияда қишлоқ хўжалик мактаблари тўғрисида қонун қабул қилинди. Унга асосан 1894 йили мактабда агрономия илми фан сифатида ўқитила бошланди. Қишлоқ хўжалик мактаби тўғрисида 1899 йилда қабул қилинган иккинчи қонунда эса қишлоқ хўжалик мактабининг мутахассислик йўналишлари, махсус фанлар, имтиҳон ўтказиш жараёни, мактаб бинолари ва унинг жиҳозланиши борасидаги меъёрий талаблар белгиланган.

1921 йилда қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги қонунларга ўзгартиришлар ки-

за олиши, билим сифати, мавзуни тушуна билиши, мустақил фикрлаб, ҳулоса қилиши, фанга қизиқиши, билим олишга интилиши ва иштиёқи эътиборга олинади. Баҳолашнинг 70 фоизи ёзма иш ва 30 фоизи оғзаки жавоблар асосида белгиланади. Бўлажак мутахассиснинг келажақда олиб боражак ишини мунтазам равишда илмий таҳлил қилиши, керакли зарур ҳулосалар чиқариб, муҳим қарорларни қабул қилиши аҳамиятлидир. Бунга биз «Иноки» навли кўзқорин етиштириб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи фермер билан учрашганимизда амин бўлдик. Фермер 30 йилдан буён шу соҳада тинимсиз иш олиб бориб, йиллар давомида маҳсулот етиштириш технологиясини такомиллаштирди, кўзқориннинг янги, маҳсулдор, тезпишар навларини яратди. Ҳозирда Хитойдан арзон маҳсулотларнинг япон бозорига кириб келиши фермерни кўзқорин етиштиришнинг илмий асосланган технологияси устида иш олиб боришини тақозо қилган. Фермернинг ишбилармонлиги унинг узоқ муддат давомида фаолият кўрсатишига имкон берди. Бундай хусусият деярли барча япон фермерларига хосдир.

Шу ўринда қишлоқ хўжалик коллежлари ўқувчиларининг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга кўмаклашувчи ҳамда илмий фикрлашга ўргатувчи қишлоқ хўжалик клублари фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим. Клублар коллежда тадбирлар ўтказиш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, ўқувчиларга лойиҳалар тузиш ва тадбиркорлик сирларини ўргатиш баробарида, амалиёт асосида олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Клубда ўқувчилар «Қишлоқ хўжа-

лиёт жараёнида илмий тафаккурини ўстирадилар.

Бундай қишлоқ хўжалик клубларининг аҳамиятли томони шундаки, ўқувчилар эришган натижалари, лойиҳаларни бажариш давомида юзага келган муаммоларни ҳал этиш, келажақда режалаштирган ишлари ҳақида аудиторияда эркин баён этиш кўникмаларини ўзлаштирадилар. Ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик клубларида лойиҳа ишларини бажаришдаги эришган ютуқлари махсус ўтказиладиган форумларда бир неча bosqichда ўрганилади. Биринчи bosqich коллежларда, иккинчи bosqich префектурада, учинчи bosqich Япониянинг 4 та катта оролида ва бешинчи bosqich Умумяпония даражасида ўтказилади.

Ўзбекистонлик бир гуруҳ ўқитувчилар ана шундай форумлардан бири — Миязаки префектурасига қарашли 7 та қишлоқ хўжалик коллежи ўқувчилари ўртасида ўтказилган аънавий 3-форумида иштирок этдилар. Форумда коллеж ўқувчилари амалга оширган лойиҳа ишлари хусусида қисқача маърузалар ўқилди.

Форум танлов ҳайъати лойиҳа ишлари ва тақдимотларни баҳолашда тадқиқот режасининг тўғри тузилганлиги, маърузачиларнинг эркин илмий фикрлаши, тадқиқот давомида юзага келган муаммоларни қай даражада тўғри ҳал этганлиги, эришилган натижаларнинг муҳимлигига эътиборни қаратдилар. Фолиб лойиҳа навбатдаги bosqichда иштирок этиш учун тавсия этилди. Ўқувчиларнинг айрим эътиборга молик лойиҳа ишларини амалга ошириш давомида унинг натижалари билан танишган префектуралар клуб аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаб,

ИРОҚ ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАРГА ҚАРШИ

Ироқ юқори кенгаши қўшни давлатлардан тинчликсевар кучларининг мамлакатга киришига қаршилик қилмоқда. Бу ҳақда "Associated Press" агентлиги хабар берди. Ироқнинг ташқи ишлар бўйича раҳбари Хошияр Зебери вазиятни шундай изоҳлади: "мамлакатга Туркия ҳарбийларининг кириши халқ орасида норозилик уйғотиши мумкин. Чунки ҳеч кимга сир эмас, турклар ва курдлар ўртасида кўп йиллик можаро мавжуд".

АҚШ эса Туркия тинчликсевар кучларининг Ироққа жўнатилишини қўллаб-қувватламоқда. Бу масала 4 сентябрь куни Туркия ва АҚШ расмийлари томонидан Анкарада муҳокама қилинди.

ШИРАК ВА ШРЁДЕР АҚШ РЕЗОЛЮЦИЯСИГА ҚАРШИ

Франция президенти Жак Ширак ва Германия канслери Герхард Шрёдер Дрездендаги учрашувда Вашингтоннинг Ироққа резолюция дастуридан норозилик билдиришди. Америка



дастурида дунё ҳамжамияти Ироқнинг тикланишига кўпроқ ҳарбий ва молиявий ёрдам кўрсатилиши кераклигини таъкидламоқда, аммо АҚШ ҳарбийлари Ироқда сиёсий ва ҳарбий назоратни ўз қўлларига ушлаб туришибди.

Франция ва Германия раҳбарлари мамлакатни тезроқ Ироқ ҳукуматига топшириш кераклигини таъкидламоқдалар.

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд айтишича, Ироққа яна камида бир бутун дивизия юбориш лозим, лекин ҳарбийлар бошқа мамлакатлардан бўлиши керак. "Яқин Шарқ" томон жўнашдан олдин Рамсфельд «Ироққа яна 10.000 халқаро тинчликсевар кучлар юборилиши мақсадга мувофиқ бўларди», деди.

АҚШ ЯНГИ ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖЛАРДАН ХАВФСИРАМОҚДА

АҚШ ички хавфсизлик вазирлиги пайшанба куни "Ал-Қоида" ҳаракати янги террорчилик хуружларини содир этмоқчилиги ҳақида хабар берди.

Си-Эн-Эн ахборот агентлигининг хабар беришича, террорчилар АҚШ чегараларини ёнидан учиб ўтаётган самолётларнинг бирини қўлга киритмоқчи. АҚШ хавфсизлик хизмати айниқса, Канада самолётларининг хавфсизлигини ошириш кераклиги ҳақида гапиришмоқда.

Самолётларга овқат ва сув етказувчи компаниялар хизматлари ҳам алоҳида текширилиб, муҳожирларнинг ҳар қандай учли, ўткир ва газ балончалари олиб ўтиши қатъян таъқиқлаб қўйилмоқда.

Мактаб зали байрамона безатилади. Ўқувчилар қўли билан тикилган чиройли ўйинчоқлар, турли-туман куроқча, кашта, рўмолча ва шу каби уй-рўзгор буюмлари зал тўрига чиройли қилиб тақиб қўйилади. Бу кўргазмалар орқали болажонлар ўзларининг зукко ва чеварликларини намойиш қилишади.

Даврага ўқувчи қизлар қўшиқ айтиб кириб келишади:

Хуш келибсиз азиз дўстлар, даврамизга мархабо, Моҳир қўллар мавзусида қўшиқ янграб дилрабо. Меҳнат бизга ўргатади, турли чоклар тикишни, Мана кўринг, бажарилган "моҳир қўллар" ишини. Биз турли хил ўйинчоқлар, кўғирчоқлар ясадик, Салфеткалар, рўмолчалар тикиш сирин ўргандик.

Бошловчи:

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Ана шу мақолнинг қанчалик тўғрилигини англаган тенгдош қизларимиз тикишни, тўқишни, меҳмон кутишни жуда яхши билишади. Айниқса, ўғил болалар орасида сартарош, уста-хунармандларга шогирд тушиб, хунар ўрганиш анъанага айланмоқда. Булар ҳам жонажон Ватанимизнинг мучал ёшигача эришган ютуқларидан бири дейишимиз мумкин.

Саҳнага тўрт нафар ўқувчи навбатма-навбат кириб келишади.

Биринчи ўқувчи:

Меҳнат бизга ўргатар, Қайчи қайда туришни. Андозалар ёрдамида, Турли кўйлақ тикишни.
Иккинчи ўқувчи:
Яна бизга ўргатар, Тўғри дазмол қилишни.
Учинчи ўқувчи:
Уйимизга меҳмон келса, Қандай мезбон бўлишни.
Тўртинчи ўқувчи:
Ўргатади бизга меҳнат, Доим илғор бўлишни.
Ўқувчилар томошабинлар-

қарилиб, уларга газламалар, қайчи, иглар, нина ва андоза берилади. Қизлар фартук тикиш учун моҳирлик билан ишга киришиб кетишади. Бу пайтда эса уларга илҳом бағишлаш мақсадида "Мен чевар бўлмоқчиман" қўшиғи янграйди.

Бошловчи:

Касблар хилма-хилдир. Ҳар бири ўзининг жамият равнақи учун фойдалилиги билан бир-биридан ажралади.

Эга бўлсам севган касбимга,
Инсон соғлигини асраб, авайлаб,
Бахтли бўлсам мен бу дунёда.

Сухандонлик орзусидаги ўқувчи:

Катта бўлсам, албатта,
Мен сухандон бўламан.
Майин сўзлаб халқимга,
Сўз султони бўламан.
Тикувчиликка интилган ўқувчи:

«ЎРГАТАДИ БИЗГА МЕХНАТ ДОИМ ИЛҒОР БЎЛИШНИ»

"Моҳир қўллар" мавзусидаги тадбир сценарийси

га ўзларининг дарс жараёнида ва бўш вақтларида ясаган, тайёрлаган ижодий ва амалий ишларини намойиш қиладилар.

Бошловчи:

Келинг, қизлар,
биргалашиб,
Давра курайлик,
Даврамизда
кимлар голиб,
Билиб олайлик.
Баҳсга чорлар
бизни бугун
Устоз опамиз
Орамизда кимлар чевар
Синаб кўрайлик...
Саҳнага 4-5 нафар қиз чи-

туради. Бугунги мурғак қалб эгасининг келажақда қайси соҳа эгаси бўлиши болалигидан, мактаб партасида ўтирган чоғидаги қарашлари, ҳаваслари эвазига пайдо бўлади. Биров ўқитувчи, биров шифокор, яна биров тикувчи бўлишни орзу қилади ва шу истак рўёби йўлида тинмай изланади. Бизнинг тенгдошларимизнинг орзулари ҳам талайгина.

Шифокор бўлишни истаган ўқувчи:

Кунлар ўтиб, мен ҳам бир куни

Хизмат қилиб халқимга,
тикувчи бўлмоқчиман
Ихтиро қилиб ҳар хил,
кўйлақлар тикмоқчи-
ман.

Математика фани, бу
касбнинг маскани,
Тикиб берай сизга қани
Қайчи, қалам, ип ва мато?
Шунда бўлмас иш хато.

Бўлғуси наққошнинг сўзи:

Улғайиб, мен албатта,
Уста наққош бўламан.
Буюмларда шакл ясаб,
Ишда чаққон бўламан.
Кулол бўладиган бола-
кай:

Sinab ko'ring

Оддий лойни пишириб,
Халқимга ясай тандир.
Бу тандирда опалар
Ёпинглар ширмой патир.

Бошловчи:

Келинг, азиз болалар,
тугма қадаб оламиз,
Тугма қадаш сирларин
тезда билиб оламиз.
Мана, қаранг болалар,
тугма бундай қадалар,
Тугма қадаш билмасанг,
қўлга нина санчилар.

Даврага икки қиз чиқари-
либ, уларга тугмалар, газла-
ма қайчи ва нина берилади.
Қизларимизнинг газламага
мос тугма ва ип танлаб, туг-
ма қадаши кузатилади. Шу-
нингдек, ўқувчилар одоб ва
ахлоқ, меҳнат ва роҳат мав-
зусида мақол ва ҳикматли
сўзларни айтиб беришади.

Дастур охирида ўқувчилар
тадбирга келган ота-оналари,
устозлари ва меҳмонларга ўз
қўллари билан ясаган ўйин-
чоқлар, кашталарни соғва
қилишади. Ҳаммалари жўр
бўлишиб, "Зукко болалар-
миз" қўшиғини куйлашади:

Бизлар зукко болалар,
Чевар, чаққон бўламиз.
Катта бўлиб халқ учун,
Доим тайёр бўламиз.
Бундай тадбирлар ҳам
меҳнат фани ўқитувчиларига
амалий ёрдам бўлади, деган
умиддамиз.

Робия ЮСУПОВА,
Янгибозор туманидаги
20-мактабнинг бошланғич
синф меҳнат фани
ўқитувчиси

Xotira— muqaddas

Эл хурматида сазовор бўлган шоир, драматург, журналист Эгам Раҳимов ҳаёт бўлганида 85 ёшга тўлган бўларди. У жуда қисқа умр кўрди, лекин, мазмунли, халқнинг эзгу истаклари руҳи билан яшади.

Эгам Раҳим ўзи туғилиб ўсган "Ниязат ар-боб" қишлоғидаги ҳозирги Низомий номидаги мактабда ўқиди. Ўқувчилик пайтидан бошлаб адабиётга, шеърят-



бир, бўлим бошлиғи, муҳаррир бўлиб узоқ йиллар ишлади.

Эгам Раҳим, элга хизмат чин одамийлик иши, деган фикрга амал қиларди.

Қишлоқдаги ўзгаришлар, дўстлар ҳаётидаги воқеалар доимо унинг эътиборида эди. Дам олиш кунларини қишлоққа келиб, дўстлар билан биргаликда ўтказарди. Давра куриб, ёзган шеърларидан намуналар ўқиб берарди.

1960 йилда унинг "Янги қадам" достони босилиб чиқди.
1950-60 йилларда

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАР...

га қизиқди. Онаси Оқилжон ая ҳам саводли, китобга қизиқувчи аёл эди. Навоий, Бедил, Машраб асарларини қизиқиб ўқирди. Буларнинг ҳаммаси Эгам Раҳимнинг ёшлигидан адабиётга қизиқишини орттирди. Унинг дастлабки ёзган шеърлари, мақолалари мактабда чиқадиган "Ёш куч" номли деворий газета саҳифаларида босилиб турди.

Унинг иш фаолияти қишлоқ кутубхонаси мудири вазифасидан бошланди. Кутубхона қошида адабиёт тўғрисидаги ташкил қилиб, ёшларни адабиётга қизиқтирди.

Эгам Раҳимнинг ижодий фаолияти II жаҳон уруши йилларида бошланди. "Хоразм ҳақиқати" газетасига ишга ўтгандан кейин шоир сифатида танила бошлади. Газетада мух-

унинг ижоди ривож топди. Газетанинг ҳар кунги саҳифасида унинг шеърларидан намуналар берилиб бориларди. Эгам Раҳим ҳар бир воқеага ҳозиржавоб шоир эди. Халқимиз ҳаётида юз бераётган ҳар қандай воқеага ўз муносабатини билдирарди.

1978 йилда қишлоғимиздаги ўрта мактабларнинг бирига унинг номи берилди. Ҳар йили у туғилган кунда мактабда адабиёт кечалари ўтказилиб, ёзган шеърларидан ўқилади, шеърлари қўшиқ қилиб айтилади. Шу санага бағишлаб деворий газеталар чиқарилади. Ўқувчилар билан шеърхонлик ўтказилади. Шу кунларда қишлоқда унинг номига мевазор боғ ташкил қилиш ишлари бошланди...

Саъдулла КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис IX сессиясида "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузасида баён қилинган хулоса ва вазифаларни кенг ёритиш мақсадида ташкил этилган

«ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ»

доимий республика илмий-амалий семинарининг навбатдаги йиғилиши ўтказилади.

Маъруза мавзуси:

**"Оммавий ахборот воситалари
жамоатчилик фикрини
шакллантиришнинг муҳим омили"**

Семинарнинг мажлиси Ўзбекистон Фанлар академияси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва Минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда шу йил 25 сентябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Фанлар академияси кичик мажлислар залида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Я.Фулломов кўчаси, 70-уй,
Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми.
Алоқа телефони: 139-84-29, факс: 139-85-48.



ДЭЙГУДАН ОЛТИН МЕДАЛЛАР

фар дзюдочи ва бир теннисчи Ҳимоя қилди.

Универсиада дастуридан жой олган спорт турлари ичида дзюдо алоҳида мавқега эга. Шунинг учун ҳам дзюдо баҳсларида 71 мамлакат спортчилари беллашди. Кескин ва мурасасиз ўтган баҳсда вакилларимиз орасида Тошкент давлат иқтисодий университетини талабаси Абдулла Тангриев нималарга қодир эканлиги-

иккинчи олтин медал эгасига айланди. Икки йил олдин Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказилган универсиадада ҳам А.Тангриев кумуш ва бронза медалини қўлга киритганди.

Дэйгудаги баҳсларда дзюдочиларимиздан Э.Қодиров ва Р.Саидов бешинчи ўрин билан кифояланди. Михаил Соколовга эса еттинчи ўрин насиб этди.

Жаҳон талабалар универсиадасида теннис бўйича Оқгул Омонмуродова ҳам анча юқори натижага эришди. У бронза медалига сазовор бўлди.

ни кўрсатди. Дастлаб у 100 кг вазни

оғир полвонлар баҳсида барча рақибларини енгиб, олтин медални қўлга киритди. А.Тангриев мутлақ вазнда ҳам гилламга чиқиб, унда ҳам Ғолибликни қўлга киритиб,



Жанубий Кореянинг Дэйгу шаҳрида XXII Жаҳон талабалари универсиадаси мусобақаси яқунланди. Ушбу мусобақада дунёнинг 174 мамлакатидан юзлаб спортчилар ўзларини синаб кўришди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматининг маълумот беришича, бу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини 6 на-

Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабида ВХТБ тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари раҳбарларининг мувофиқлаштирувчи вилоят кенгаши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Пайариқ тумани умумий ўрта таълим мактабларининг "Умид ни-

СПОРТ МАКТАБЛАРИДА АХВОЛ ҚАНДАЙ?

қоллари" спорт мусобақаларининг 1-2-босқич мусобақаларига ҳозирлиги, янги ўқув йили учун спорт иншоотларининг тайёрлиги, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари 6-мактабнинг спорт мажмуасини кўздан кечирдилар. Пайариқ туманининг иқтидорли ёш спортчилари иштирокчиларни ўзларининг кўргазмали чиқишлари билан хушнуд этдилар.

М.АХМЕДОВ

ЎҚУВЧИЛАР ЖАҲОН АРЕНАЛАРИДА

Республикамиз ҳукумати ёш авлодни соғлом, баркамол, ҳар томонлама етук инсон қилиб шакллантириш, уларга жаҳон андозаларига мос билим бериш учун қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Шу билан бирга турли сабабларга кўра, ривожланишида нуқсон бўлган ногирон болалар ва ўсмирлар таълим-тарбиясига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Улар ҳам соғлом тенгдошлари қатори таълим олишлари, хунар ўрганишлари ҳамда халқаро спорт мусобақаларида қатнашишлари ва жамиятда ўз ўринларини топишлари учун уларни ижтимоий Ҳимоялаш тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда.

Бунга яққол мисол қилиб, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 37-маҳсус мактабнинг спорт соҳасида эришган ютуқларига тўхталиш мумкин. Мактабда жисмоний тарбия дарслари тўғри йўлга қўйилганлиги, ақли заиф болаларнинг халқаро мусобақаларда катта ютуқларга эришаётганини айтиш жоиз. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Дамир Нуриев раҳбарлигида мактаб ўқувчилари 2000 йилдан бери "Спейшл Олимпик" ташкилоти ҳамкорлигида ногирон ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган халқаро мусобақаларда қатнашиб келмоқдалар.

Ўша йили майда Голландия давлатида ногирон ўқувчилар ўртасида Европа—Осиё ёзги олимпиада ўйинлари ўтказилди. Бу ўйинларда 98 давлат ва-

киллари иштирок этганди. Шулар қаторида Ўзбекистон Республикасидан 37-маҳсус мактабнинг алоҳида ёрдамга муҳтож ўқувчилари ҳам қатнашган ва мусобақада теннис бўйича 1-ўринни 8-"В" ўқувчиси Азиз Қодиров, 2-ўринни эса 6-"А" синф ўқувчиси Шуқурулло Тўхтаев қўлга киритган эди.

2002 йил майда Люксембургда ногирон болалар ўртасида ёзги ўйинлар бўйича бўлиб ўтган Европа чемпионатида стол тенниси бўйича 1-ўрин 9-"А" синф ўқувчиси Шуқурулло Тўхтаевга насиб қилганди. Қаранг, икки йил олдин иккинчи ўринни олган Шуқурулло иккинчи марта олимпиадада қатнашганда биринчи ўринни эгаллади. Бу, албатта, унинг ютуғи эди.



Шоиства Маликова эса 3-ўрин соҳиби бўлганди. 4-ўрин 9-"А" синф ўқувчиси Нуриддин Шамсуддиновга насиб қилганди. Шу йили Ирландия мамлакатининг Дублин шаҳрида ногирон болалар ўртасида Бутундунё олимпиада ўйинлари ўтказилганда эса, 160 давлат вакиллари ичида теннис ўйинлари бўйича 1-ўринни 9-"А" синф ўқувчиси Жаҳонгир Қурбонов, 2-ўринни 8-"В" синф ўқувчиси Рамзитдин Маликов эгаллаганди.

Энди ўзининг бир ўйлаб кўринг, албатта, ушбу мусобақаларда катта ютуқларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайдими. Бунга мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Дамир Нуриевнинг катта тажрибага эгаллиги, узок вақт шу соҳада ишлаб келганлиги, ўз соҳасининг моҳир устаси эканлиги сабабдир. Ногирон болалар бўлса ҳам, уларга ирода, соғлом руҳият бахш эта олиши, уларнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё миқёсида ҳам фахрли ўринларга эга бўлишига сабаб бўла олди десак, адашмаган бўламиз.

Бундан ташқари, мактаб раҳбари Шоҳида Икромованинг ҳам ҳиссалари катта. Чунки у жисмоний тарбия дарсларига катта эътибор бериши, шарт-шароитлар яратиб берганлиги билан бунга имкон яратди.

Сурайё ИМИНХЎЖАЕВА

Суратда: Дамир Нуриев чемпионлар билан.

ТЕМИР МАЙК ҚОИДАСИЗ ЖАНГГА ШАЙ

Энг оғир вазнда жаҳоннинг экс-чемпиони америкалик Майк Тайсон жиддий молиявий муаммоларга дуч келгани боис Японияда қоидасиз жанг ўтказишга розилик билдирди.

The New York Times берган хабарга кўра, Тайсон Япониянинг К-1 компанияси билан шу ҳақдаги шартномани имзолаган. Ушбу компания яқка кураш бўйича аралаш ва яқка тартибдаги жанглари уюштиради. Тайсон иштирокидаги биринчи жанг шу йилнинг декабрь ойига мўлжалланган. Ушбу беллашувда иш-

тирок этгани учун боксчи 4,2 млн. долларга эга бўлади. Унинг рақиби эса ватандоши "йиртқич" лақабли Боб Сапп бўлади. У қачонлардир америкача футбол билан шуғулланган. Кейинги фаолиятини эса кик-боксингга давом эттирган. Тайсон журналистларга берган интервьюсида ушбу жангни қизиқиш билан кутаётганини айтиб ўтган. Шунингдек, боксда зарба бериш мумкин бўлмаган аъзоларга зарба тушириш ҳам қизиқарли бўлса керак, деб таъкидлаган.

WBC йўналишидаги рейтингда иккинчи ўринда бо- раётган украиналик Виталий Кличконинг (вазн тоифаси 86,2 кг.дан юқори) Леникс Льюис билан 6 декабрда беллашув ўтказиши ҳақида

Американинг НВО телекани- ли орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилади. "Биз бар- ча ташкилий масалаларни ҳал этиб бўлганмиз. Виталий учун юқори малакали рақиб- ни топиш у қадар мушкул иш

ЛЕНИКС ЛЬЮИС ЖАНГДАН БОШ ТОРТМОҚДА

хабар тарқалди. Аммо бри- таниялик боксчи рингга чи- қиш ҳақида ўйлаб ўтирмас- дан, мана шу йилнинг ўзи- да фаолиятини яқунламоқчи эканини маълум қилди.

Кличко жанги гарчи рақиб номи номаълум бўлса-да,

эмас. Льюис билан ўтказган жангидан сўнг маълум бўлдики, Виталий оғир ваз- нли боксчилар орасида жа- ҳондаги кучли боксчилардан бири ҳисобланади", дейди украиналик боксчининг про- мутери Клаус-Петер Коль.

Саҳифани Ш.АХМАТОВ тайёрлади.

1-Тошкент педагогика коллежи жамоаси математика ўқитувчиси Улту Мешитбоевага турмуш ўртоғи
Тажен НУРУМБЕТОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

1-Тошкент педагогика коллежи жамоаси коллеж бухгалтери Маҳсума Содиқовага опа- си
Мактумахон РУСТАМОВнинг вафот этгани муносабати билан ҳамдardлик билдиради.

Саъдулла ХАКИМ

ОТА БОГ
ХАКИМДА
ҚАСИДА

Бу бог ўрни бир замонлар қир эди яланг,
Шамол янтоқ юмалатиб, ўйнар эди чанг.

Отам айтди: "Бог қиламиз, бел боғланг маҳкам,
Боғи борнинг ризқи бутун, насибаси ҳам.

Элда шундай бир ҳикмат бор: "Қўшнинг экса гар
Девор оша бир шохидан меваси тегар.

Қариндошинг дарахт экса, ниҳол чоғидан
Мева емоқ насиб этар ҳамма шохидан".

Аввалига ўр қазидик, сўнг қилдик шудгор,
Ёмғир ювиб тозартирди, малҳам бўлди қор.

Отам бошу онам ёнбош, бутун оила
Ток қададик, кўчат эдик пок ният ила.

Кейин тақдир Тошкан сари бошлади мени,
Ота боғдан олисларга ташлади мени.

Қай бир йили Иқбол билан ёз чоғи бирга
Автобусдан тушиб тўғри келдик шу ерга.

Қуврай чайла. Хушбўй полиз. Чатнаган иссиқ,
Шаббодани миниб кезар хандалак иси.

Ойбек унда уч ойлик ё тўрт ойлик эди,
Отам "Қани, набирамни менга бер!" деди.

Сўнг кўш қўллаб боши узра кўтарди баланд,
"Ой болам!" деб эркалади чин меҳр билан.

Назаримда, сирғалгандек бўлди қўллари,
Мен "Эҳ" дея интилдим-ку Ойбекжон сари.

"Хотиржам бўл, болам, — деди хохолаб отам, —
Билки, шундай шириндирсан мен учун сен ҳам."

Ушбу сўзлар хаёлимдан кетмайди сира,
Фарзанд ширин, фарзанддан ҳам ширин набира.

Бир гал келдим қиш айёми. Қайтар маҳалда
Қўлларимга майиз тутди онам бир халта:

"Отанг эккан боғдан совга, асалдай ширин,
Оз бўлса-да, татиб кўрсин набираларим".

Бугун, қаранг, шовуллайди гўзал бог, ажаб,
Тошбулоқдан сув оқизиб қўйибди Ражаб.

Ота боғи. Она боғи. Нақадар кўркам,
Бир чеккаси бизники, деб севиная акам.

Дейдиларки, бог яратган — соҳиб каромат,
Дов-дарахтнинг ҳар япроғи айтар селоват.

Фарзандлар ҳам дарахтлардек улғайиб дуркун,
Юкимизни олишмоқда бирма-бир бу кун.

Қаватида Дилшоджону Сирожиддинжон
Ёзмиш бугун иним Ражаб тўкин дастурхон.

Фарзандлари қаторига қўшилмиш фарзанд —
Жамилаой, Наргизаой бамисли пайванд.

Истагим шу — яшнab турсин мерос ота бог,
Боғбонига салавотлар айтсин ҳар япроқ.

Янги-янги ниҳолларнинг чўзилсин бўйи,
Бахт тўйига улаш келсин доим бахт тўйи!

Бир куни яшил қурбақа сув
ичидаги нилуфар гулбаргида
ўтирган экан. Бошқа бир холдор
қурбақа у ўтирган нилуфар бар-
ги томон сакрабди. Икки қур-
бақа барг устида сиқилиб қоли-
шибди. Яшил қурбақа дебди:

— Четга ўт. Аввал мен баргга
чиқиб олдим. Сен ўзингга бошқа
жой топ.

Холдор қурбақа эса:
— Ўзинг бошқа ерга бор, —
дебди.

— Мен жойимдан қимирла-

сохилга кўнибди. Шунда яшил
қурбақа:

— Эй, чумчуқча! Сенингча қай-
си қурбақа чиройлироқ? — деб
сўрабди чумчуқдан.

Чумчуқ:

— Иккалангизнинг ҳам фар-
қингиз йўқ. Чунки қурбақасиз-
лар. Қурбақаларнинг қанақа
хусни бўлсин, — деб учиб ке-
тибди.

Соҳил бўйидан тошбақа ўтиб
қолибди. Холдор қурбақа қич-
қирибди: — Эй, тошбақа! Бу ерга

— Эй, қизча! Қани айтинг-чи,
қайси қурбақа чиройли?

Қизча нилуфар устида ўтир-
ган иккита қурбақани кўриб,
акасига:

— Анави қурбақалардан
кўрқаяпман. Бу ердан тезроқ
кетайлик, — деб қоча бошлаб-
ди.

— Энди нима қиламиз? —
дебди яшил қурбақа.

Холдор қурбақа кулибди.

— Нега кулаясан?

Холдор қурбақа яна кулишда

ЧИРОЙЛИ ҚУРБАҚАЛАР

Ertak

майман. Бу барг жуда юмшоқ.
Мен шу ерда қоламан.

Холдор қурбақа эса:

— Бундан буён бу ерга фақат
мен келаман, — дебди яна.

— Нега сен бу ерда бўлишинг
керак экан?

— Чунки нилуфар гули жуда
чиройли. Мен ҳам ҳаммадан
гўзалман.

— Ким сени чиройли деб
айтди? Мен ҳаммадан чиройли-
ман.

— Ойим мени ҳамма қурба-
қалардан чиройлисан, — деган-
лар.

— Менинг ойим ҳам менга
шундай деганлар.

— Биронтасидан қайси бири-
миз чиройлироқ эканимизни
сўрашимиз керак.

Яшил рози бўлибди. Иккала-
си нилуфар гулбаргида бирон
жонзот келишини кутишибди.
Чумчуқ боласи сув ичиш учун

келиб, мушкуллимизни ҳал қил.

Тошбақа косасидан боши-
ни чиқариб, дебди:

— Салом! Қанақа масалани
ҳал қилиш керак?

Холдор қурбақа дебди:

— Сен бизга қайси биримиз
чиройлироқ эканимизни айтиб
бероласанми?

Тошбақа яшил қурбақани
кўрмабди. У қурбақа ўзини нилу-
фар билан солиштираяпти
деб ўйлабди. Холдор қурбақага
қараб дебди:

— Нилуфар гули сендан чи-
ройлироқ.

Яшил қурбақа кулиб дебди:

— Яна биронтасини кутиши-
миз керак. Аммо шуни яхши
биламанки, барг устида мен
қоламан. Чунки мен нилуфар-
дан ҳам чиройлироқман.

Бироздан сўнг бир қизалоқ
акаси билан сув ёнидан ўти-
шибди. Яшил қурбақа қичқириб-
ди:

давом

этибди. Кей-

ин жавоб берибди:

— Қара, қанча вақтдан

бери шу гулнинг устида ўтириб-

миз. Иккаламизга ҳам жой етар-

ли. Нега биз тортишяпмиз? Ким

чиройли эканининг нима

фарқи бор?

Яшил қурбақа ҳам жилмайиб

дебди:

— Тўғри айтасан. Иккаламиз

ҳам чиройлимиз, жойимиз ҳам

етарли.

Кейин улар гул баргида ҳор-

диқ чиқарибдилар. Офтоб улар-

нинг юзини қиздирибди. Яшил

қурбақа эснаб, ўзига дебди:

— Ҳам яхши уйлик бўлдим,

ҳам яхши дўст орттирдим.

Форсийдан


Баҳриддин ТУРҒУНОВ

таржимаси.

"УРАН" КРОССВОРДИ

ЭНИГА: 4. Биринчи ўзбек геолог олими. 8. Жаҳоннинг биринчи космонавти. 9. Ҳарбий унвон. 11. Грециядаги шаҳар. 13. Медицина асбоби. 14. Арманистон футбол жамоаси. 16. Радиактив кимёвий модда. 17. Полиз экини. 21. Табиий офат. 22. Санъат тури. 23. Ҳамдўстлик мамлакати пойтахти. 26. Узунликни ўлчовчи асбоб. 28. Жанубий Африкадаги дарё. 29. Кийим. 31. Меҳнат маҳсули. 33. Кримдаги санаторий. 34. Чақалоққа айтиладиган кўшиқ. 35. Ҳамдўстлик мамлакати пойтахти. 37. Неъматжон Қулабдуллаев куйлаган кўшиқ. 39. Япроқ. 49. Техника мотори қисми. 46. Қишки хонадон иситгичи. 47. Машхур инглиз олими. 49. Адабий жанр. 50. Спортчи. 51. Украин ёзувчиси.

БЎЙИГА: 1. Ойнаи жаҳон. 2. С.Айний асари. 3. Металл пул. 4. Қитъа. 5. Коинот сайёраси. 6. Грек ҳарфи. 7. Грузия оркестри. 8. Абхазиядаги шаҳар. 10. Ёзув тури. 12. Денгиз махлуқи. 15. Ҳафта куни. 17. "Самарқанд осмонида юлдузлар" асари муаллифи. 18. Мухтор Ашрафий операси. 19. Тайинлаш сўров. 20. Фуқаро сўзининг русча аталиши. 22. Геометрик айланма жисм. 24. Байрам олди кун. 25. Заҳарли хашарот. 27. Украиннинг каттаси. 30. Рус рассоми. 32. Пахта уруғи. 36. Сув транспорти. 38. Мусиқа асбоби. 40. Чикинди. 41. Фойдали қуш. 42. Баландпарвоз қуш. 4. Самолёт қисми. 44. Бадиий ижодкор аёл. 47... байт. 48. Созанда.



Тузувчи:

Турсунали ҒАНИЕВ

Ma'rifat

**ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:**
Ўзбекистон Халқ
таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва
ўрта махсус таълим
вазирлиги, Таълим ва фан
ходимлари касаба
уюшмаси Марказий
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром
БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин
КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой
МАТҚУРБОНОВ, Усмонвали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир
ўринбосари), Ҳулқар ТҮЙМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот Кўмитасида
№ 20 рақам билан 12 июнь
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-826.
Тиражи 19179. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Хулқар ТҮЙМАНОВА.
Навбатчи:
Шерали НИШОНОВ.

"Ma'rifat"дан материаллари кўчириб босиш
таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга
қайтарилмайди.

Белгиси остида реклама материаллари берилди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янги-
ликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим
янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касба йўналти-
риш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —
136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малаҳат ТОШОВА
сахифалари.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмахонаси.
Корхона манзили: "Буюк Турон"
кўчаси 41-уй

Босишга тошириш вақти — 21.00.
Тоширилди — 21.00